O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Ватан ҳимояси - иймон рамзи

ВАТАНПАРВАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ ОРГАНИ
● 2003 йил, 27 декабрь, шанба № 155 (1887). ● Сотувда эркин нархда.
Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.

ЦЕНТРАЛЬНЫЙ ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН
● Суббота, 27 декабря, 2003 г. № 155 (1887). ● В розницу — цена свободная.
Газета издается с 24 июня 1992 г.

Қонун ижроси билан кучли

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ижтимоий масалалар ва бандлик қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди. Уни қўмита раиси М. Сафаева бошқарди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонунининг Тошкент вилоятидаги ижроси муҳокама этилди.

Корхона, муассаса ва ташкилотларда ишловчи кишилар меҳнатини муҳофаза қилиш, касб касалликларининг олдини олишга қаратилган мазкур қонуннинг бажарилиши юзасидан вилоятда муайян ишлар амалга оширилаётгани таъкидланди. Ўтган йил давомида мавжуд корхоналар томонидан қонун асосида ноқулай меҳнат шароитида ишлайдиганларга қўшимча шароит яратиш йўлга қўйилган.

Жорий йилнинг ўн бир ойи мобайнида вилоятдаги 394 корхона ва ташкилотда текшириш ўтказилиб, меҳнат муҳофазаси ва шароитлари бўйича йўл қўйилган хато ва камчиликларни бартараф этиш юзасидан 393 ёзма кўрсатма берилган, хавфсизлик техникаси талабларига жавоб бермайдиган ва ходимлар соғлиғига таҳдид солаётган ўн битта дастгоҳ ва битта устахонанинг иши тўхтатилган.

Т. БОТИРБЕКОВ, ЎзА мухбири.

Армияга йигитларнинг асили боради

Якунланиб бораётган йилимизнинг баҳоридан «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги янги Қонунга биноан муддатли ҳарбий хизматга, сафарбарлик чақируви резервидаги хизматга чақирув бўлди. Яъни, янги Қонун амалиётга татбиқ этилди. Албатта, ҳар қандай янгиликни ҳам ўз-ўзидан ҳаётга татбиқ этиб бўлмайди. Муайян муаммолар, қийинчиликлар бўлиши мумкин. Келинг, ютуқларимиз нимада, муаммоларимиз нимада бўлганини таҳлил қилайлик. Буни хизмат сафарларим давомидаги таассуротларимдан келиб чиқиб, баён этмоқчиман.

Аввало, мазкур Қонун Қуролли Кучларимиздаги ислоҳотлар янги бир босқичга кўтарилганини кўрсатди. Маълумки, 1992 йилда «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида» Қонун қабул қилинганди. Хўш, унинг янги таҳририга нима эҳтиёж бор эди? Буни Президентимиз Ислом Каримов иккинчи чақириқ Олий Мажлис тўқизинчи сессиясида қилган маърузасида аниқ-равшан кўрсатиб берди. «...Чақирув ва ҳарбий хизматни ўташ тизимини ўзгартириш заруратини тараққий топган давлатларнинг тажрибаси ҳам кўрсатиб турибди. Ўйлайманки, бу тажрибани диққат билан ўрганиб чиқиш, унинг энг яхши, илғор ва ўзимизга мос жиҳатларидан фойдаланиш ҳар томонлама мақсадга мувофиқ бўлур эди». Юртбошимиз армияга чақирувнинг янги тизимини, унинг усул-услубларини шакллантириш лозимлигини таъкидлар экан, муддатли хизматни бир йилгача қисқартириш таклифини илгари сурди. Маълумки, ушбу таклиф ҳарбийларимиз, жамоатчилик томонидан қизғин қўллаб-қувватланди. Жаҳон тажрибасига назар солсак, Германия, Дания, Испания, Австрия каби мамлакатларда муддатли ҳарбий хизмат 12 ойни ташкил этади. Демак, бир йиллик муддат тажрибада ўзини оқлагандирки, илғор мамлакатлар уни қабул қилишган. Таъкидлаш жоизки, бизда ҳам тажрибада бу ўзини нечида ўзига керакли билимни олиб, ҳар томонлама чиниқаётир.

Маълумки, янги Қонунга кўра, олий маълумотли аскар 9 ой хизмат қилади. Баҳорда сафларни тўлдирган олий маълумотли аскар йигит шу кунларда захирага бўшашга ҳозирлик кўраяпти. Масалан, қашқадарёлик посбон оддий аскар Ўктам Акромовни олайлик. Олий маълумотли, юрист. Ўтган шу вақт мобайнида соҳа сир-асрорларини пухта эгаллаб, бир қатор жанговар ютуқларга эришди. Бир неча бора парашют билан сакраб, ҳаво-десант тайёргарлигидан кўникма, тажрибалари яхши эканлигини исботлади. «Армияда тарбиявий

(Давоми 3-бетда).

14 ЯНВАРЬ - ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ
ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИМИЗ 12 ЙИЛЛИГИНИ МУНОСИБ КУТИБ ОЛАМИЗ!

Бизнинг Қуролли Кучларимиз ҳар қандай вазиятда ҳаракат қилишга тайёр туриши, мамлакатнинг жўғрофий— стратегик мавқеини ва ҳудудининг жўғрофий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда эҳтимол тутилган босқинчига қуруқликда ва ҳавода муносиб зарба бера олиш учун жанговар салоҳиятга эга бўлмоғи зарур.

Ислом КАРИМОВ.

● СЕНИНГ УҒЛОНЛАРИНГ, ЎЗБЕКИСТОН!

Олий маълумотли оддий аскар Норбек Тоғаев юксак ақл-идроки, интеллектуал даражаси билан сафдошларига намуна. Айниқса шунинг учун ҳам у жанговар тайёргарликларда илғор. Навоийлик бу посбоннинг мардонавор хизмати унинг Ватанга бўлган муҳаббатидандир.

Александр МРУЧАК
суратга олган.

● ДОЛЗАРБ МАВЗУ

ХАЛҚ АРМИЯ БИЛАН, АРМИЯ ХАЛҚ БИЛАН КУЧЛИ

Узбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг Давлат ва жамоат ташкилотлари билан ишлаш бошқармаси бошлиғи подполковник Ислом ИНОЯТОВ билан суҳбат

— Ўртоқ подполковник, маълумки, сиз бошқараётган бошқарма ташкил этилганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Келинг, шунинг учун суҳбатимизни энг аввало бошқармани ташкил этилиш сабаби, унинг олдида турган вазифаларидан бошласак.

— Ўзингиз яхши биласиз, барча соҳаларда бўлганидек, Қуролли Кучларимизда ҳам ислоҳотлар кенг миқёсда амалга оширилмоқда. Бу ислоҳотлар замирида замон талабларига жавоб берадиган, замонавий қуроллар билан таъминланган, сафарбар, тезкор, ихчам, профессионал армияни барпо этиш ўз ифодасини топган. Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримов шундай таъкидлайдилар:

«... халқимизнинг энг ишончли таянчи ва суянчи, фахри ва ифтихори бўлмиш миллий армиямизни барпо этиш давлатимиз ва жамиятимиз, Ватанимизнинг тақдирига бефарқ қарамайдиган ҳар қайси инсоннинг муқаддас бурчига айланиши зарур».

Шуни мамнуният билан айтиш жоизки, Мустақиллик бизга ўз куч-қудратимизга суяниб, ота-боболаримизнинг асрий орзу-умидларини рўёбга чиқариш, ўзимиз хоҳлаган тарзда ҳаёт қуриш, ҳеч кимга қарам ва тобе бўлмай яшаш ҳуқуқини берди.

Бу ҳуқуқни ҳимоя қилишимиз учун, агар бир сўз билан айтиш керак бўлса, биз профессионал армияга эга бўлишимиз керак.

Ҳар қандай профессионал армия ҳам халқ билан кучли бўлади. Халқ эса қудратли армияси билан. Ана шу сўзлар замирида бизнинг бошқарма ташкил этилишининг сабаби, вазифалари ётибди.

Қуролли Кучларимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятини тарғиб этиш, ҳарбий хизматнинг ўзига хос хусусиятлари тўғрисида аҳолини хабардор қилиш, ёшларимизни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, давлат ва жамоат арбоблари, халқ хўжалигининг илғор вакиллари, ёзувчи, шоирлар билан учрашувлар ташкил этиш, савол-жавоб кечалари, суҳбатлар уюштириш, хуллас, ишлар кўп.

— Шу ерда ўз-ўзидан савол пайдо бўлди. Хўш, ортда қолаётган йилда сиз раҳбарлик қилаётган бошқарма томонидан қандай ишлар амалга оширилди?

— Жорий йилда бошқарма томонидан республикамиздаги давлат ва нодавлат ташкилотлар билан ҳамкорликда муайян ишлар амалга оширилди. Жумладан, 2003 йил январь ойида Мудофаа вазирлиги Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус касб-ҳунар таълими маркази, Халқ таълими вазирлиги, Маданият ишлари вазирлиги, Республика хотин-қизлар қўмитаси, Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти, «Камолот» ёшлар иттимоий ҳаракати, «Маънавият ва маърифат» маркази, республика Ёзув-

(Давоми 2-бетда).

Оғу йўқ қилинди

Мамлакатимизга қонунга хилоф равишда олиб кирилган гиёҳвандлик моддаларининг навбатдаги туркуми йўқ қилинди. Ҳуқуқ-тартибот органлари, жумладан, Миллий хавфсизлик хизмати ходимлари уни гиёҳвандлик моддаларининг ғайриқонуний айланишига қарши кураш тадбирлари давомида мусодара қилган эди.

Сир эмас, бугунги кунда хавфсизликка таҳдид солиш борасида терроризм билан ёнма-ён турувчи гиёҳвандликка қарши кураш ҳамон инсоният олдидаги энг долзарб вазифа бўлиб қолмоқда.

Наркобизнесга қатъий чек қўйиш тарафдори бўлган Ўзбекистон бу борада жаҳон ҳамжамияти олдидаги мажбуриятларини бажаришга улкан аҳамият бера бориб, барча зарур чораларни кўрмоқда. Мамлакатимизда БМТнинг 1961, 1971 ва 1988 йилларда эълон қилинган Конвенцияларига ҳамоҳанг равишда «Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида»ги қонун қабул қилинган. Юртимизнинг бу муҳим ишга қўшаётган салмоқли ҳиссаси халқаро жамоатчилик томонидан эътироф этилмоқда.

Сўнгги йилларда ҳуқуқ-тартибот органлари томонидан гиёҳвандлик моддаларининг ғайриқонуний айланишига қарши кураш борасида катта ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, жорий йилнинг биринчи ярмида «оқ ажал» билан боғлиқ 4 минг 574 жиноят фош этилди. Унинг 43 фоизини гиёҳвандлик моддаларининг ғайриқонуний савдоси билан боғлиқ жиноятлар ташкил этувчи бу жараёнда 447,5 килограмм наркотик модда далилий ашё сифатида мусодара қилинди. Ўтган даврда мобайнида наркотик моддалар контрабандаси билан шуғулланувчи қатор минтақавий наркогуруҳларнинг жиноий фаолиятига чек қўйилди.

Айтиш жоизки, 1994 йилдан буён мамлакатимиз ҳуқуқ-тартибот органлари томонидан ушлаб қолинган 36 тоннага яқин гиёҳвандлик моддаси ёқиб юборилди. Бу борадаги саъй-ҳаракатларнинг давоми сифатида 26 декабрь куни Идораларо комиссия аъзолари томонидан 217 килограмм гиёҳвандлик ва психотроп модда мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган дипломатик корпус, халқаро ташкилотлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари гувоҳлигида ёқиб юборилди.

Беҳзод НОРБОЕВ, ЎзА мухбири.

Сайёрамиз саҳоси • Пульс планеты

Все пассажиры микроавтобуса, захваченные двумя преступниками около Тбилиси, освобождены. Первоначально преступники высадили водителя, затем по пути они освободили женщину и ее ребенка. Ночью же недалеко от Тбилиси высадили еще двоих пассажиров. Полиция ведет поиск преступников и угнанного ими микроавтобуса. По предварительным данным, полученным в правоохранительных органах, бандиты на микроавтобусе направились из Тбилиси на запад Грузии с деньгами, отобранными у пассажиров.

***

На борту самолетов австралийской авиакомпании «Квантас», следующих в Сингапур, будут находиться вооруженные охранники. Как сообщил министр юстиции Австралии Крис Эллисон, улажены последние формальности для начала таких полетов. По словам Эллисона, первая программа охраны международных рейсов обойдется бюджету Австралии в 7,4 млн. долларов США в год.

***

В результате оползней на юге американского штата Калифорния без вести пропали 10 человек. Еще 14 человек удалось спасти. От оползня пострадал детский лагерь, расположенный в 113 км к востоку от Лос-Анджелеса. В лагере имени святой Софии, принадлежавшем Греческой православной церкви, жили дети от 7 до 17 лет. Оползнем в лагере полностью разрушены два здания.

***

Из-за проблем с поставкой комплектующих Горьковский автомобильный завод (ГАЗ) приостановил работу легкового конвейера. Как сообщил пресс-секретарь ОАО ГАЗ Сергей Луговой, машины, груженные продукцией предприятия «Балаковорезинтехника», уже более суток стоят в автомобильной пробке на пути в Нижний Новгород. На легковом конвейере в сутки собираются 260 машин.

***

Израильский телекоммуникационный спутник «Амос-2» будет запущен с космодрома Байконур. На орбиту спутник доставит российская ракета-носитель «Союз». Вес спутника составляет 1,4 тонны. Он будет транслировать информацию, в том числе на Европу и страны Персидского залива. На орбите уже находится первый израильский гражданский спутник коммуникации «Амос-1». Он будет работать до 2008 года.

***

Руководство крупнейшей в Южной Корее оппозиционной партии обвинило президента страны Ро Му Хена в нарушении предвыборного законодательства и обратилось в прокуратуру с требованием провести расследование в связи с этими нарушениями. В обращении «Великой национальной партии», контролирующей 55% мест в парламенте, утверждается, что президент уже начал предвыборную кампанию — в нарушение требования об ограничении предвыборной агитации двумя неделями перед голосованием. Выборы в парламент Южной Кореи намечены на 15 апреля.

***

Пожаром уничтожено здание обсерватории Института солнечно-земной физики Сибирского отделения Российской Академии наук. Об этом сообщили в управлении ГО и ЧС по Иркутской области. Здание расположено вблизи Байкала. Огонь пытались потушить четыре единицы техники, но, несмотря на усилия пожарных, деревянное строение сгорело полностью. Сумма ущерба устанавливается. Причиной, по предварительным данным, стало нарушение правил пожарной безопасности и эксплуатации оборудования.

***

В Аргуне задержан боевик, являвшийся одним из членов так называемого «аргунского ваххабитского джамаата». Об этом в пятницу сообщили в Региональном оперативном штабе по управлению контртеррористической операцией на Северном Кавказе. Всего за минувшие сутки в Чечне сотрудниками правоохранительных органов задержано семь боевиков.

***

В результате наводнения, возникшего после проливных дождей и ураганов в районе турецкого курортного города Анталья, погибли по меньшей мере пять человек. Наводнение нанесло серьезный ущерб многим зданиям. Значительно пострадала сеть автодорог. Школы и учреждения останутся закрытыми ближайшие несколько дней.

(По страницам Интернета).

● УЛАР — АРМИЯМИЗ ПРОФЕССИОНАЛЛАРИ

«ЮРТ ҲИМОЯСИДА СОБИТ ТУРАМИЗ»

Қашқадарёнинг Чироқчи туманини биласиз. Бу ердан кўпкари, қурашда чиниққан паҳлавонлар етишиб чиқади. Яъни, халқ удумлари, халқнинг спорт ўйинлари йигитни ҳар томонлама баркамол қилади. Мана, масалан лавҳамиз қаҳрамони шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Толмас Зоҳидовни олайлик. Билаги кучга тўлган, чиниққан, бир сўз билан айтганда, тоғни талқон қиладиганлар тоифасидан.

1999 йилнинг кузи. Муддатли ҳарбий хизматга чақирув бошланган. Қишлоқнинг содда, тўпори, лекин қатъиятли, шижоатли бу йигитининг қўлига ҳам чақирув қоғози тегди. Толмас ёшлигида муддатли ҳарбий хизматни ўтаган алиқомат амакиларидан, тоғаларидан армия хусусида, яъни собиқ иттифоқ армияси ҳақида кўп бора эшитган. Аммо бир нарсани ҳеч тушунма-

(Давоми 2-бетда).

СТРЕМЯСЬ СОХРАНИТЬ ЛИДЕРСТВО

Для воинского коллектива взвода разведчиков, где командиром капитан Юрий Попов, 2003 год стал удачным. Подразделение признано лучшим в Вооруженных Силах, а командиру досрочно присвоено очередное воинское звание. Новый учебный год здесь начали с удвоенной энергией — завоевать первенство было нелегко, но удержать его будет намного труднее.

Уроженцу Куйичирчикского района столичного вилоята, в 2000 году закончившему разведывательный факультет ТВОКУ, могут позавидовать однокашники — офицер за три года прошел путь от лейтенанта до капитана, его взвод признан лучшим в масштабе Вооруженных Сил.

Возможно, в этом и была определенная закономерность, ведь командование части уделяет разведчикам, как и другим подразделениям, пристальное внимание, да и начальником разведки части стал бывший однокурсник старший лейтенант Хамид Якубканов. Атмосфера полного взаимопонимания здесь также многое значит. Однако недаром говорится: «Везет тем, кто везет». То есть в основе успеха все равно лежал самоотверженный труд и полная самоотдача каждого военнослужащего этого воинского коллектива. К тому же год назад взвод был признан лучшим в округе — это еще раз говорит о неслучайности нынешнего достижения.

Для разведчиков было важно постоянно совершенствовать знания и навыки в горной подготовке. На одном из полевых выходов в горы взвод в течение трех дней под руководством инструктора по горной подготовке младшего сержанта по контракту Шерали Махмадалиева отрабатывал умение скрытно и бесшумно передвигаться по горным кручам, страховать товарища на подъемах и спусках. Но главное — разведчики выполняли учебно-боевые задачи по проведению поиска, маскировки, наблюдению из засады.

Серьезной проверкой мастерства разведчиков стало их участие в совместных учениях с коллегами. Тогда подчиненные капитана Ю. Попова действовали грамотно и точно, справившись с задачей вполне успешно. Заняв указанный район горной местности, разведчики стали готовиться к выполнению задачи. Воинам-коллегам пришлось нелегко. Долго они не могли обнаружить противоборствующую группу. Присутствовавший на учениях представитель вышестоящего штаба — заместитель Министра обороны — Начальник Главной инспекции Вооруженных Сил генерал-майор Алишер Исламов — дал высокую оценку разведчикам.

Но, безусловно, самым запоминающимся событием года стало участие в состязаниях разведывательных подразделений на звание лучшего в этой воинской профессии. Взвод тогда еще стар-

(Окончание на 2-й стр.).

● ЯХШИ ДАМ — ХИЗМАТГА ҲАМДАМ

Танланганлар

Дўрмонда, Тошкент шаҳрининг шундоқ чеккасида сўлим бир гўша бор. Ҳарбийлар дам олиш маркази. Мудофаа вазирлиги Марказий ҳарбий клиник госпитали қошидаги ушбу маскан қишинёзин дам олувчилар билан гавжум. Жанговар хизмат машаққатларидан бир оз бўлса-да толиққан офицерлар, шартнома бўйича хизматчилар, Қуролли Кучларимиз хизматчилари, қолаверса, уларнинг оила аъзолари бу ерда мириқиб ҳордиқ чиқаришади, эртанги кунга куч тўплашади. Зиммаларидаги бурч ва вазифаларини янада яхшироқ, аълороқ ўташга шайланадилар.

Тўғри, истироҳат марказидаги намунали шарт-шароитлар, унинг қуйинчак хизматчилари, дам олувчилар ҳақида кўп бор сўз юритганмиз. Аммо бу галги суҳбатимиз марказнинг янги меҳмонлари — ўзимизнинг танланган сафдошларимиз билан боғлиқ. Бу йигитларни танланганлар дейишимизнинг биринчи сабаби, улар хизматда илғорлар ичра илғор, голиблар ичра голиб. Кўплаб мукофотлар, рағбатлантиришларга сазовор бўлишган. Қолаверса, Мудофаа вазирининг махсус буйруғи асосида оила аъзолари, фарзандлари билан турли гарнизонлардан Дам олиш марказига таклиф этилган. Уларга имтиёзли равишда бепул хизмат кўрсатилмоқда. Аммо бу ҳаммаси эмас. Уларнинг маданий ҳордиқ чиқаришлари, маънавий-руҳий озуқа олишлари учун ташкиллаштирилаётган тадбирларда иштирок этиш ҳар

(Давоми 3-бетда).

● ТЕННИС

ҲАМЮРТИМИЗ ҒОЛИБ

Юртимизда спортни ривожлантиришга қаратилаётган эътибор туфайли ҳар йили кўплаб иқтидорли спортчилар кашф этилмоқда. Бу йил профессионал спортчилар қаторига мухлису мутахассислар томонидан анча истеъдодли теннисчи деб эътироф этилаётган Важа Узоқов ҳам қўшилди. 15 ёшли бу спортчи АҚШ теннис уюшмаси турнирида мамлакатимиз шарафини муносиб ҳимоя қилди.

16 ёшгача бўлган теннисчилар ўртасида ташкил этилган ушбу нуфузли турнирда В. Узоқов яккалик баҳсларида чорак финалгача етиб келди. Унинг жуфтлик баҳсларидаги иштироки бунданда омадли бўлди. Россиялик Георгий Моргоев билан ҳамкорликда кортга чиққан ҳамюртимиз финалгача бешта жуфтликни доғда қолдирди. Финалда мазкур жуфтлик мезбонлар устидан 2:6, 6:4, 7:5 ҳисобида зафар қучиб, турнирнинг бош совринини қўлга киритди.

— Юртимизда спортни, жумладан, теннисни оммавийлаштиришга берилаётган катта эътибор туфайли биз, ёшлар йирик халқаро турнирларда қатнашиш имконига эга бўлдик, — деди В. Узоқов ЎзА мухбирига. — Янги йилнинг 10 январидан Бирлашган Араб Амирликлари, Қатар ва Баҳрайнда ташкил этиладиган халқаро турнирларда омадимни синаб кўрмоқчиман.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ, ЎзА мухбири.

Эрондаги даҳшатли зилзила

Эроннинг Керман вилоятида кучли ер силкиниши рўй берди. Зилзила кучи Рихтер ўлчови бўйича 6,9 баллга етган. Дастлабки маълумотларга қараганда, табиий офат натижасида 4 мингга яқин одам қурбон бўлган.

РАТА—ТАСС ахборот маҳкамаси тарқатаётган хабарларга қараганда, юз мингга яқин киши истиқомат қилаётган қадимий Бам шаҳри бутунлай вайрон бўлган.

Айни пайтда фожиа оқибатларини тугатиш учун тезкор марказ тузилиб, жабрланганларга ёрдам кўрсатилмоқда. Қутқарув ишларига Эрон ҳарбий-ҳаво кучлари, армия жалб этилди. Уларга қўшни вилоятлардан келган кўнгиллилар ва маҳаллий Қизил ярим ой жамияти ходимлари ёрдамлашмоқда.

Хабарларга қараганда, шаҳардаги иморатларнинг 60 фоизи вайрон бўлган.

Одамларнинг аксарияти ҳаробалар остида қолиб кетгани боис қурбонлар кўп. Шаҳардаги иккита йирик кўприкнинг бузилиши, электр таъминоти ва телефон алоқасининг ишдан чиқиши оқибатида «тез ёрдам» машиналарининг ҳаракатланиши қийинлашди.

Бошпанасиз қолган аҳоли қўшни вилоятларга кўчирилаяпти. Теҳрон ва бошқа шаҳарларда табиий офатдан зарар кўрган аҳоли учун кийим-кечак, озиқ-овқат маҳсулотлари йиғиш марказлари очилди.

Керман вилояти ҳокими Каримийнинг таъкидлашича, табиий офат бир неча минг йиллик тарихга эга Бам шаҳрини ер билан яксон қилган.

Ер силкиниши 26 декабрь куни Жирофт шаҳри, Исфаҳон вилояти ва мамлакатнинг жануби-ғарбий ҳудудидаги Хузистон вилоятида ҳам кузатилди. Ҳозирча бу ерларда қурбон бўлганлар ҳақида маълумот йўқ.

Эрон сейсмик фаол минтақада жойлашган мамлакатлардан бири ҳисобланади. Шу боис ер силкиниши тез-тез содир бўлиб туради. Маълумотларга кўра, ўтган 13 йил ичида Эронда мингга яқин зилзила қайд этилган. Улар ичида энг йириги 1990 йил содир бўлган эди. Ушанда Рудбар шаҳри бутунлай вайрон бўлиб, 50 мингга яқин одам қурбон бўлганди.

Бу галги табиий офат ҳам мамлакат учун миллий фожиага айланди.

Фазлиддин АРЗИЕВ, ЎзА шарҳловчиси.

ХАЛҚ АРМИЯ БИЛАН, АРМИЯ ХАЛҚ БИЛАН КУЧЛИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

чилар, Бастакорлар уюшмалари, «Ўзбеккино» давлат акционерлик компанияси, «Ўзбектеатр» ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Ўзбекнаво» гастрол-эстрада бирлашмаси, республика Бадиий академияси, «Маҳалла», «Нуроний» жамғармалари билан ҳарбий хизматчилар ҳамда чақириққача бўлган ёшлар орасида ҳарбий ватанпарварлик, маънавий-ахлоқий тарбияни ташкил этиш бўйича 2003 йилга мўлжалланган ҳамкорликдаги иш режаси ишлаб чиқилди ва Мудофаа вазирининг Директиваси билан жойларга юборилди.

Бошқарма иш фаолиятида асосий эътибор аҳолига Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари фаолияти тўғрисида маълумот бериш, ҳарбий соҳа билан боғлиқ бўлган қонунларни бажарилишини ўрганиш ва омма орасида тарғиб этишга қаратилди. Бу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси билан ҳамкорликда Қорақалпоғистон Республикаси, Самарқанд, Бухоро, Қашқадарё вилоятларида Ўзбекистон Республикасининг «Мудофаа тўғрисида» ва «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги қонунлари бажарилишини ўрганиш юзасидан ишлар олиб борилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 26 сентябрдаги «Мудофаа вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимларининг ҳарбий хизматга чақиришни ташкил этиш ва ўтказиш юзасидан масъулиятини ошириш тўғрисида»ги Қарорининг ижроси борасида Ўзбекистон Республикаси ёшларининг «Камолот» ижтимоий ҳаракати билан ҳамкорликда баҳорги чақирув даврида Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятларда чақирув борасида жамоат ташкилотларининг фаолияти ўрганилди. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати фаолиятини такомиллаштириш юзасидан чора-тадбирлар белгиланди. Баҳорги чақирувдан бошлаб «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан ҳар бир чақирилувчига армия хизматига кузатиш вақтида ҳарбий хизматчининг биринчи эҳтиёжлари учун зарур бўлган 17 номдаги буюмлардан ташкил топган совғалар ҳадя этиш йўлга қўйилди. 2003 йил октябрь ойида ҳаракатнинг вилоят бўлимлари раислари учун чақириқ масалаларига бағишланган семинар ўтказилди.

Ёшлар орасида ҳарбий хизматни тарғиб қилиш, ҳарбий ўқув юртлари аълочи курсантларини рағбатлантириш учун Ўзбекистон Республикаси Оқсоқоллар кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг махсус стипендиялари жорий этилди.

— Президентимиз Ислом Каримов сержантлар тайёрлаш масаласига катта эътибор қаратмоқда. Уларнинг армиядаги ролига катта баҳо бериб, «сержантлар армиямизнинг суянчи ва таянчи», деб таъриф бердилар. Сизнинг бошқармангиз бу борада қандай ишларни амалга оширмоқда?

— Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 27 февралдаги «Сержантлар тайёрлаш мактабларининг моддий-техникавий ҳамда ўқув базасини такомиллаштириш тўғрисида»ги Қарори ижроси бўйича Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги билан ҳамкорликда ушбу мактабларни адабиётлар ва республикамизда чоп этиладиган барча даврий нашрлар билан таъминлаш йўлга қўйилди.

Мазкур ишга «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатини ҳам жалб этиш йўлга қўйилмоқда. Масалан, 2003 йил 20 август куни Тошкент ҳарбий округи сержантлар тайёрлаш мактабида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Туркистон» газетаси муҳарририяти билан «Камолот» кунлари» ташкил этилди. Мактабга 300 та бадиий ва ижтимоий-сиёсий, илмий адабиётлар, ўқиш ва хизматда алоҳида намуна кўрсатган курсантлар учун 5 та стол соати, 1 та шахмат, 20 та футбол майкаси совға қилинди.

— Янги «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Қонунни аҳоли ўртасида тарғиботташвиқот этиш борасида нималарга эътибор берилаяпти?

— Ўзбекистон Республикасининг «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Қонунини аҳоли орасида тарғиб этиш юзасидан кўплаб ишлар амалга оширилди. Бу йўналишда Ички ишлар, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида, Ўзбекистон Миллий университетида, Тошкент Ислом университети, Тошкент давлат юридик институтида, талабалар ётоқхоналарида маърузалар билан чиқишлар уюштирилди.

Шу мақсадда 2003 йилнинг 27-28 мартида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус касб-ҳунар маркази билан ҳамкорликда умумий ҳарбий мажбурият ва таълим тизимида чақириққача тайёргарлик фанини ўқитишни ташкил этиш юзасидан ҳамкорликда ўқув семинари ўтказилди.

Ўзбекистон радиосининг «Ёшлар», «Машъал» ва 1-каналида муддатли ва сафарбарлик чақируви резервидаги ҳарбий хизмат бўйича 5 маротаба суҳбатлар уюштирилди. Ўзбекистон телевидениесининг «Сиёсат» студиясида жамоат ташкилотлари вакиллари иштирокида 4 маротаба кўрсатув тайёрланди.

Чақирилувчиларни ҳарбий хизматга кузатиш тадбирлари давлат ва жамоат ташкилотлари, ота-оналар жамоатчилиги билан ҳамкорликда тантанали равишда ўтказилди. Ушбу тантаналар оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилиб борилди.

— Айни чоғда ҳарбийларимизнинг интеллектуал салоҳиятига катта эътибор берилмоқда. Бу борада қандай тадбирлар уюштирилди?

— Бошқарма олий ҳарбий ўқув юртлари, сержантлар тайёрлаш мактабларининг ўқитувчилари ва ҳарбий қисмлар офицерларининг малакаларини ошириш юзасидан ишларни ташкил этиш борасида ҳам фаолият олиб бормоқда. 2002—2003 ўқув йилида 76 ўқитувчи ва офицерлар Ўзбекистон миллий университети қошидаги Олий таълим муаммолари институтида 1 ойлик малака ошириш курсларида таҳсил олдилар. 100 офицер университетда ташкил этилган 10 кунлик малака ошириш курсларида ўқидилар.

Бошқарма мактаб ўқувчилари орасида олиб борилаётган ҳарбий-ватанпарварлик тадбирларини ташкил этиш борасида ҳам иш олиб бормоқда. Бу йўналишда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва қатор давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг «Шунқорлар» ҳарбий-спорт ўйинларини кўрсатиб ўтишимиз мумкин. 2003 йил ўйинларда республикамизнинг 150000 дан зиёд ўқувчилари қатнашдилар.

Ҳарбий хизматчилар билан ташкил этиладиган маданий-маърифий ишларга ҳам аҳамият берилмоқда. 2003 йил 5—13 январь кунлари «Ўзбекнаво» гастрол-эстрада бирлашмаси, «Ўзбектеатр» ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси, Республика ёзувчилар ва бастакорлар уюшмалари, Ўзбекистон Республикаси «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Маънавият ва маърифат» маркази вакилларидан иборат ижодий гуруҳларнинг Жанубий-ғарбий махсус, Марказий, Тошкент ҳарбий округлари қисм ва бўлинмаларида ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари учун тадбирлар республика «Маънавият ва маърифат» маркази ҳамкорлигида уюштирилди.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасининг «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Қонуни асосида ташкил этилаётган сафарбарлик чақируви резервидаги ҳарбий хизматчиларнинг ҳарбий Қасамёд қабул қилиш тантаналарида давлат ва жамоат ташкилотлари вакилларининг қатнашувлари анъанага айланди.

Сафарбарлик чақируви резервидаги ҳарбий хизматчилар учун ижтимоий-сиёсий тайёргарлик бўйича «Мустақиллик ҳимоясида» ўқув қўлланмаси тайёрланди.

Шунингдек, «Миллий армия ва мамлакат мудофаа қудратини мустаҳкамлашнинг ҳуқуқий асослари» номли рисола тайёрланди ва олий ўқув юртлари талабаларига тарқатилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти — Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони И. А. Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари вужудга келиши, шаклланиши тарихи, уни жамиятда тутган ўрни ва армия ислоҳотларининг назарий ва амалий асослари баён этилган асарлари, хавфсизлик масалалари юзасидан халқаро учрашувларда сўзлаган нутқлари, мухбирларнинг саволларига жавоблари тўпланган ҳолда «Армия — давлат таянчи, тинчлик кафолати» тўплами тайёрланди ва «Шарқ» матбаа-акциядорлик компанияси бош муҳарририятига топширилди. Китобни нашр этиш 2004 йил январь ойига режалаштирилган.

Тарих фанлари доктори Ҳ. Содиқов, «Ўзбекистон овози» газетаси бош муҳаррири С. Остонов билан ҳамкорликда «Ўзбекистон Қуролли Кучлари» (Қадимда ва ҳозирда) китоби тайёрланди.

Амалга оширилган ишлар кўлами кўпдек кўринсада, биз ўз ишимиздан қониққанимиз йўқ. Мана бугун ишларимизни бир сарҳисоб қилиб қарасак, ҳали амалга оширишимиз зарур бўлган юмушларимиз жуда кўп экан.

Биз бугун республикамиздаги барча жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда ишлашни тўлиқ йўлга қўя олдик, деёлмаймиз.

Айрим иқтисодий сабабларга кўра режалаштирган тадбирларимизни амалга оширишда қийинчиликлар юз бериб турибди.

Маҳаллий ҳокимликлар, жамоат ташкилотлари ва ота-оналар вакилларидан тузилган гуруҳларнинг ҳарбий қисмларга ташрифлари вилоятлар доирасида чекланиб қолмоқда.

Янги йилда янгича ғайрат, янгича куч билан ишлашни режалаштириб қўйибмиз.

Мен ҳарбий хизматчиларни ҳам, халқимизни ҳам яқинлашиб келаётган 14 январь — Ватан ҳимоячилари куни, Қуролли Кучларимиз ташкил топганлигининг 12 йиллиги билан чин дилдан муборакбод этаман.

— Биз ҳам сизни табриклаймиз ва хизматларингизда муваффақиятлар тилаймиз.

«Ватанпарвар» газетасининг Давлат ва жамоат ташкилотлари билан алоқа қилиш бўлими бошлиғи

подполковник Абдураззоқ ОБРУЕВ суҳбатлашди.

СТРЕМЯСЬ СОХРАНИТЬ ЛИДЕРСТВО

(Окончание. Начало на 1-й стр.).

шего лейтенанта Ю. Попова заслуженно удостоился первого места, а командир досрочно получил очередное воинское звание капитан. Получение награды стало серьезным стимулом для личного состава еще больше стремиться к росту профессионального мастерства.

Вот и теперь, в зимнем периоде обучения, среди тех, кто задает тон в соревновании внутри взвода, командир назвал заместителя командира группы младшего сержанта Пардабоя Туйчиева, пулеметчика младшего сержанта Гафура Файзуллаева, снайпера младшего сержанта Одила Юлдашева. Все три контрактника (а взвод полностью укомплектован только офицерами и военнослужащими по контракту) являются примером подлинно профессионального отношения к военному делу. Кстати, Пардаев и Файзуллаев имеют за плечами опыт обучения за границей.

Есть во взводе и недавние выпускники наших сержантских школ, хорошо вписавшиеся в коллектив. Так, гранатометчик младший сержант Жасур Джалилов летом прибыл из школы подготовки сержантов ЦВО, а фельдшер младший сержант Мухайе Неъматова — из ШПС столичного округа. Для единственной во взводе женщины скидок не делается — она служит на равных с мужчинами, разделяя все тяготы ратного труда разведчиков. Так что, видимо, и в наших сержантских школах уровень подготовки за это время достиг высокой степени, если их питомцы хорошо проявляют себя в войсках.

Важным слагаемым успехов разведчиков является акцент на физической подготовке личного состава. Во взводе есть немало спортсменов довольно высокой квалификации. Например, снайпер младший сержант Акмаль Исаков — кандидат в мастера спорта по курашу, инструктор младший сержант Шерали Махмадалиев имеет синий пояс по таэквондо, а гранатометчик младший сержант Асад Хасанов — перворазрядник по спринтерскому бегу.

Еще одним видом спорта, к которому приобщен весь взвод, является парашютный. Минувшим летом разведчики совершили свои первые прыжки с парашютом.

Воины-разведчики из взвода капитана Ю. Попова твердо настроены новыми успехами в ратном труде встретить День защитников Родины — именно на это нацелены все их усилия в зимней боевой учёбе. Ведь победить в соревновании на звание лучшего трудно, но повторить успех — вдвойне труднее.

Майор Аблай КАМАЛОВ, корр. «Ватанпарвара».

Катта механик-телефончи шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Мансур Аҳмедов асл профессионаллардан. Алоқа илмини командири лейтенант Элмурод Маннонов ва бошқа тажрибали офицерлардан ўрганган посбон айни ўқув мавсумида ютуқларга эришмоқда.

Суратда: **кичик сержант М. Аҳмедов оддий аскарлар — Равшан Мавлонов ва Ғофур Исмонловлар билан дала шароитида алоқа ускунасини ишлатиш бўйича машқ ўтишаяпти.**

Александр МРУЧАК суратга олган.

„Юрт ҳимоясида собит турамиз“

(Давоми. Боши 1-бетда).

ган, англамаган. Яъни, кучли, полвонкелбат қариндошларининг жанговар қисмларда эмас, қуриллиш батальонларида хизмат қилишгани сабабини тушуна олмаган. Мустақилликка эришиб, ўз Қуролли Кучларимизга эга бўлганимиздан сўнг, қишлоғидан армияга кетган йигитлар энг жанговар қўшин турларида хизмат қилишди. Ҳатто хизматдан уйларига қайтишганда, замонавий жанговар техника, қуроласлаҳалардан моҳирона фойдаланишганини айтишиб, Толмас сингари ўғлонларнинг ҳавасини келтирганлар. Ҳамқишлоқлари орасидан офицерлар, шартнома бўйича хизматчилар етишиб чиқаётгани, улар Ватан ҳимояси йўлида мардонавор хизмат қилишаётганини кўриб, Толмас фахрланди. Болалигидаёқ сўнай деб қолган орзуси яна алангаланди. «Бизнинг йигитлар ҳам ҳарб илмида ҳеч кимдан қолишмас экан-ку», деб қўйди ичида. Хуллас, туман мудофаа ишлари бўлимига бораётиб, шуларни хаёлидан ўтказди. Чақирув комиссиясидан муваффақиятли ўтган ўғлонни ҳар бир йигит орзу қилса ярашадиган десантчилар қисмида хизмат қилишга лойиқ, деб топишди. Еру кўкка сиғмади гўё, шунда у.

Орзу қилганидек десантчи бўлди. Биринчи бора парашют билан сакрагани умрбод эсида сақланса керак. Чироқчилик ўғлон тезда ҳаво-десант тайёргарлигидан яхши натижаларни қўлга киритди. Бора-бора жанговар тайёргарликнинг барча йўналишлари бўйича ютуқларга эришди. Барига чин кўнгилдан ёндашгани, соҳага бўлган қизиқиши. Ватанига бўлгаи муҳаббати сабаб бўлди уни

2001 йилда, баҳорда аскар муддатли ҳарбий хизматини тугаллаб, шартнома бўйича хизматни қадрдон жамоасида давом эттирди. Мана, ҳозиргача у десантчилар билан бир сафда. Профессионаллик сари ташлаётган одимлари ҳам салмоқли бўлаяпти. Жисмоний тарбия ва спорт тарафидан оладиган бўлсак, ҳарбий учкураш беллашувларида голибликка эришиб, енгил атлетика бўйича биринчи разрядга эга бўлди. Айтганча, шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Зоҳидов снайперчи вазифасида. У бир неча бора мутахассислиги бўйича йиғинларда қатнашиб, замонавий жангда зарур бўладиган кўплаб билимларни ўзлаштирди. Дейлик, маскировка қилиш дейсизми, пистирмада туриш дейсизми, бари-барини қойилмақом уддалайди, ўғлон. Лейтенант Ботиржон Тошиев командирлигидаги гуруҳда хизмат қилаётган бу профессионал ўтган ўқув йилини юксак натижалар билан якунлаб, рағбатга муносиб топилган. Янги ўқув йилининг ортда қолаётган дастлабки ойида ҳам кичик сержантнинг кўрсаткичлари ёмон бўлмаяпти.

— Янги йилни ёруғ юз билан қаршилаяпман. Ҳисоблайдиган бўлсам, бешинчи марта янги йилни ҳарбийлар даврасида кутиб олаётган эканман. Бунинг гаштини сўз билан таъриф этиб беролмайман. Энг муҳими, жамоамизнинг янги йилга, Қуролли Кучларимизнинг 12 йиллигига арзигулик туҳфалари бор. Юртимизда байрам, шодиёналар бир-бирига уланиши учун биз Ватан ҳимояси йўлида собит турамиз, — дейди кичик сержант Т. Зоҳидов.

Капитан Алижон САФАРОВ, «Ватанпарвар» мухбири.

ВЕСТ-ПОЙНТ—АМЕРИКАНИНГ ФАХРИ

Армиялар мавжуд экан уларнинг бир-бирлари билан қизиқишлари ҳам табиийдир. Қуролли Кучларимизда ислоҳотлар изчиллик билан амалга оширилаётган бир вақтда хориж армияси ва ҳарбий ўқув юртлари тажрибалари билан танишиш ғоят ўринлидир. Қуйида АҚШнинг энг нуфузли ҳарбий академияси ҳисобланган Вест-Пойнт ҳақида қисқача ҳикоя қиламиз.

АҚШ Қуруқлик қўшинлари учун офицер кадрлар тайёрловчи Вест-Пойнт ҳарбий академиясига 1802 йилда асос солинган бўлиб, Қуруқлик қўшинларининг асосий ҳарбий ўқув муассасаси ҳисобланади. Академия Гудзон дарёси қирғоғида, майдони 6400 гектар, Нью-Йорк шаҳридан 80 км. узоқликда жойлашган. Вест-Пойнт — Ғарбий ёй маъносини англатади. Бундай дейилишига сабаб айнан шу ерда Гудзон дарёсининг ғарбий қирғоғи билан кемаларнинг тўғри ҳаракатланишига халал берувчи ёйсимон чизиқ пайдо бўлади.

Грант, Ли, Першинг, Мак Артур, Эйзенхаур, Патон, Брэдли, Шварцкопф каби машҳур шахслар Вест-Пойнтда таҳсил олганлар.

Бу ерда нафақат ҳарбий ўқув муассасаси, балки ҳарбий гарнизон ҳам жойлашган. Айни вақтда академияга генерал-лейтенант Уильям Ленокс (кичиги) раҳбарлик қилади.

Ҳарбий академияга 17 ёшдан 22 ёшгача бўлган йигит ва қизлар қабул қилинадилар. Улар албатта ўрта маълумотли, жисмоний ва руҳий соғлом, никоҳда бўлмаган. АҚШ фуқаролигига эга бўлишлари керак. Номзод аёллар ҳомиладор бўлмасликлари лозим. Академияга қабул тизими жамиятнинг барча қатламлари ва географик регионлари учун тенг даражада ташкил қилинган.

Вест-Пойнтда таҳсил олувчилар кадетлар дейилади. Ўқиш тўрт йил давом этади. Бу даврда кадетга давлат томонидан 200-250 минг АҚШ доллари сарфланади. Ўқишнинг учинчи йили бошланишида кадет билан шартнома тузилади. Шартномага асосан кадетлар ўқиш тугагач, беш йил мунтазам армияда ва уя йил резервда хизмат қилиш мажбуриятини оладилар.

Академияга кириш учун номзодлар штатлар губернаторлари, конгресс аъзолари, вице-президент, президент тавсияси бўйича ёш фуқаролар, шунингдек, резерв ва мунтазам армия оддий аскарлар ҳамда сержантлар таркибидаги ҳарбий хизматчилар ҳисобига ҳам амалга оширилади. Бундан ташқари академиянинг Форт-Монмаутда (Нью-Жерси штати) жойлашган тайёрлов мактабидан юзга яқин битирувчи ҳам кириш учун даъвогарлик қиладилар.

Ҳар хил бойскаутлар ҳаракати қатнашчилари, драма тўгаракларида қатнашувчилар, мактаб ва коллеж спорт командаларининг капитанлари, талабалар комитетининг президенти ёки синф етакчилари бўлган номзодларга академияга киришда имтиёз сифатида қўшимча балл берилади.

Ўқув кўрсаткичлари ўртадан юқори бўлиши керак.

Кириш тести баллари 630/652дан кам бўлмаслиги керак.

Вест-Пойнтда таҳсил уч хил, аммо бир-бирига боғлиқ бўлган академик, ҳарбий, жисмоний тарбия дастурларини ўз ичига олади. Буларга қўшимча тарзда таҳсил давомида ҳар бир кадетнинг ахлоқий тайёргарлигига ҳам катта эътибор қаратилади. Вест-Пойнтда академик соат 55 дақиқадир.

Академияда АҚШ билан ўзаро келишувга асосан хорижлик курсантлар ҳам таҳсил оладилар. Вест-Пойнтда Эстония, Қозоғистон, Қирғизистон, Латвия, Литва каби давлатлардан курсантлар бор.

Академик дастур энг муҳим ҳисобланади. Унга 31 курсдан иборат бу дастурга энг кўп вақт ажратилган. Кадетлар математика, физика, химия, муҳандислик, информатика ва ахборот технологиялари, география, гуманитар ва ижтимоий фанлардан сабоқ оладилар. Барча фанлар 13 та кафедрада ўргатилади. Ўқув гуруҳи таркиби ўртача 15 киши бўлади. Профессор-ўқитувчилар таркибининг 90 фоизи офицерлардан иборат бўлиб, қолганлари фуқаро шахслардир.

Иккинчи ўқув йили тугагандан кейин юқорида кўрсатилган фанлардан бирини чуқурроқ ўрганиш имкони берилади. Кадет учинчи ва тўртинчи ўқув йили давомида факультатив курслар ёрдамида танлаган фанини ўрганади.

Академик дастурнинг бажарилиши учун ўқув қисмининг декани, бригада генерали Даниэль Кауфман жавобгардир.

Ҳарбий тайёргарлик дастури кадетнинг академиядаги илк кунидан бошланади. Ҳарбий тайёргарлик курси олти ҳафта давом этади.

Кадетлар биринчи ўқув йилидан сўнг Кэмп-Вакнер ўқув марказида дала тайёргарлиги курсини ўтайдилар. Улар саккиз ҳафта давомида гуруҳ раҳбари тажрибасини орттирадилар, кичик бўлинмалар тактикаси билан танишадилар, Қуруқлик қўшинларининг турли қуролларидан отиш машқлари ўтказилади.

Иккинчи ўқув йилидан сўнг эса кадетлар гуруҳ раҳбари сифатида касбий маҳоратларини оширадилар. Бу шундай тарзда амалга оширилади: академияга кирувчилар ва иккинчи йили таҳсил олаётган кадетлар билан, шунингдек, мунтазам армиянинг сержантлар таркибини тайёрлаш мактабларида ҳарбий тайёргарлик асослари курсидан машғулотлар ўтказиш йўли билан.

Учинчи ўқув йили тугагач кадетларнинг ярми взвод командири сифатида ҳарбий тайёргарлик асослари курсидан академияга кирувчилар ва иккинчи йил таҳсил олаётган кадетлар билан дала тайёргарлиги машғулотлари, қолган ярми эса мунтазам армия бўлинмаларида ўз касбий маҳоратларини оширадилар.

Жисмоний тайёргарлик дастури эса академик ва ҳарбий тайёргарлик дастурини боғловчи бўғиндир. Машғулотлар боксдан ташқари йигит ва қизлар учун умумийдир.

Вест-Пойнт командалари спортнинг 25 тури бўйича турли коллежлар билан мусобақаларда иштирок этади. Булар футбол, хоккей, бейсбол, баскетбол, қиличбозлик, чанғи, велопойга, сув спорти ва йил фаслларига боғлиқ бошқа спорт турларидир. Кенг қамровли дастур спорт турининг кўплиги туфайли ҳар бир кадетга спорт билан шуғулланиш имконини беради. Кадетлар барча спорт дастурларини раҳбар ва иштирокчи сифатида ўзлари амалга оширадилар.

Вест-Пойнтда ҳарбий, жисмоний ва командирлар тайёрлаш дастурининг бажарилиши учун кадетлар таркиби бошлиғи бригада генерали Лео Брукс жавоб беради.

Академияда илмий ва бадиий адабиётлардан иборат катта ўқув базасига эга кутубхона мавжуд. Бу ерда интернет тармоғига уланган компьютерлар бўлиб, ҳар бир кадет ундан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

Шанба куни тушликдан сўнг ва якшанба куни кадетнинг бўш вақти ҳисобланади.

Ҳаммамизга таниш манзара — ўқишдан четланиш Вест-Пойнт учун ҳам янгилик эмас. Кадет ўқишни истамаса, соғлиғи тўғри келмаса, ўзлаштиролмаса ёки «Кадетнинг ор-номус Кодекси»ни бузса академиядан ҳайдалади.

Академиядан ўқишни истамаслиги, ўзлаштиролмаганлиги ёки «Ор-номус Кодекси»ни бузганлиги сабабли четлаштирилган кадетлар Вест-Пойнтда унинг ўқишига ажратилган сарф-харажатни давлатга тўлашга мажбурдирлар.

Кадет ўқишдан четлаштирилмаган тақдирда оталиққа олинади, агар тузалмаса ҳайдалиш хавфи остида туради.

Академия кадетлари ётоқхонада ҳар бир хонада 2-3 кишидан бўлиб яшайдилар. Яшаш хоналари каравот, иш столи, интернет тармоғига уланган шахсий компьютерлар билан жиҳозланган. Бундан ташқари шахсий буюмлари сақланадиган сандиқ, ҳарбий либосларини сақлаш учун шкаф мавжуд. 3-4 курс кадетларига хоналарида телевизор бўлишига рухсат этилади.

Шахсий таркибнинг овқатланиши бир вақтнинг ўзида 4000 кишига хизмат кўрсата оладиган стационар ошхонада ташкил қилинган. Ошхона 10 кишига мўлжалланган столлар билан жиҳозланган. Залда иккита катта экран мавжуд. Овқатланиш вақтида уларда тарғибот, табрик, мусиқий дастурлар ва ҳар хил кинороликлар намойиш этилади.

Таом тайёрлаш ва уни тарқатиш, столларни ясатиш билан хусусий фирма шуғулланади. Бирота кадет ошхонага нарядга жалб қилинмайди. Кадетнинг суткалик овқатланиши 10 АҚШ долларини ташкил қилади. Нонушта — 2 доллар, тушлик — ва кечлик — 4 доллардан.

Бутун ўқиш давомида кадетга 900 АҚШ доллари миқдорида стипендия тўлаб борилади. Бу унинг шахсий ҳисобида туради. Шу пуллардан ҳарбий либосларга, маиший савдо ва кир ювиш хизматлари, шахсий компьютерларга тўлаб борилади. Кадет ҳисобида академияни туғатгунигача тўпланиб қолган пуллар, ўқиш тамом бўлганидан сўнг ҳам унинг ўзида қолади.

Вест-Пойнт академиясини тамомлаган битирувчига кичик лейтенант ҳарбий унвони ва бакалавр дипломи берилади.

АҚШга тажриба алмашишга борган бир гуруҳ ўзбекистонлик ҳарбийлар берган маълумотлар асосида

Инобат ИБРОҲИМОВА тайёрлади.

Военно-политические новости

НАЙДЕНЫ ПОКУШАВШИЕСЯ...

Пакистанские следователи обнаружили тела трёх террористов-смертников, пытавшихся накануне взорвать президента Пакистана Первеза Мушаррафа. Личность одного террориста установлена. По словам одного из пакистанских министров, скорее всего, террористы были иностранцами. Остальные подробности расследования этого дела не раскрываются. В результате покушения Мушарраф не пострадал. Погибли 14 прохожих, еще 46 человек ранены.

ПРИНИМАЮТСЯ МЕРЫ

Департамент национальной безопасности США начал круглосуточный мониторинг воздуха в 30 крупных городах США на предмет содержания биологически вредных веществ. Такие меры принимаются в связи с повышением уровня террористической угрозы в США. В американских городах установлены дополнительные станции для взятия проб воздуха. Таким образом власти пытаются предотвратить возможное распыление террористами вирусов и отравляющих веществ.

СХВАЧЕНЫ БОЕВИКИ

В высокогорном районе Дагестана спецназ ГРУ захватил двоих боевиков. Об этом журналистам в Москве сообщил начальник Генштаба генерал армии Анатолий Квашнин. По его словам, в соответствии с показаниями схваченных бандитов, большая часть банды была уничтожена ранее при нанесении ударов с воздуха, часть погребена под лавиной от бомбовых ударов.

ПОХИЩЕНЫ ПОГРАНИЧНИКИ

На административной границе между грузинским регионом Самегрело и Абхазией неизвестные похитили трех абхазских пограничников. Как сообщили в районной полиции города Зугдиди, административного центра Самегрело, никакой точной информации о нахождении похищенных абхазов на территории Зугдидского района пока нет.

ВЗОРВАЛИСЬ НА БОМБАХ

В Ираке при взрыве нескольких бомб погибли двое американских военнослужащих. Об этом сообщили в штабе армии США. Еще один солдат был ранен. Уточняется, что один из солдат погиб при взрыве фугаса, заложенного на обочине дороги, второй — при попытке разминировать бомбу.

В ХОДЕ ОПЕРАЦИИ...

Двое участников незаконных вооруженных формирований, включая главаря бандгруппы, действующей на территории Гудермесского района Чечни, некоего Руслана Таймасханова, задержаны вблизи Гудермеса. Боевики захвачены в ходе операции по освобождению заложника. В результате операции освобожден похищенный 23 ноября этого года Абу Мовлаев, за которого боевики требовали выкуп. В ходе операции, которая проводилась в лесном массиве, получили огнестрельные ранения двое военнослужащих роты особого назначения. Им оказана медицинская помощь.

ВИДЕООБРАЩЕНИЕ ПОСЛЕ...

Лидер террористической организации «Аль-Каида» Усама бен Ладен намерен выпустить еще одно видеообращение. По информации, которая будет опубликована на следующей неделе, его источники в Саудовской Аравии получили электронное письмо от имени некоего Абу Мохаммеда аль-Абладжа, который заявил, что очередная видеокассета будет распространена после следующей «кровавой, полномасштабной операции на американской территории».

БЕЗ КОММЕНТАРИЕВ

Первые подразделения японских военных отправились в Ирак. Из токийского аэропорта коммерческими рейсами в Кувейт отправятся более 40 военных, а уже оттуда они будут переброшены в Ирак. По некоторым данным, первая группа военных уже вылетела из японской столицы. Отправка второй группы военных ожидается. Пресс-секретарь сил самообороны Японии отказался давать какие-либо комментарии по этому поводу, ссылаясь на соображения безопасности.

(По страницам Интернета).

АРМИЯГА ЙИГИТЛАРНИНГ АСИЛИ БОРАДИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

ишнинг муҳим йўналишларидан бири ҳуқуқий соҳага эътибор экан. Шу боис тарбиячи офицерларга қайсидир маънода фойдам тегди. Ўз соҳам—ҳуқуқшунослик бўйича билимларимни мустаҳкамладим. Қуролли Кучларимиз ҳуқуқий асослари борасида кўплаб маълумотларга эга бўлдим», дейди мамнун ҳолда захирага бўшаётган посбон. Хуллас, унинг армия ҳаётида ўтган даври нафақат ҳарбий соҳанинг сир-асрорларини ўрганиш учун, балки билимларини янада бойитиш учун ҳам етарли бўлди.

Янги Қонун асосида чақирув бошланганда Жиззахда, Самарқандда вилоят, шаҳар туман мудофаа ишлари бошқарма, бўлимларига борганман. Очиғи, ўша пайти бир муаммо пайдо бўлди. Бу ҳам бўлса янги қонун тарғиботи билан боғлиқ эди. «Қанақадир кўрик-танлов асосида армияга олиларкан, деб эшитдим, шу ростми?», «Янги хизмат тури жорий этилганмиш, Унга кўра бир ойгина хизмат қилинаркан», қабилидаги гапларни кўп эшитдик, ўша пайтда. Жойларда давлат, жамоат ташкилотларининг, айниқса, ўзини-ўзи бошқарув органларининг мудофаа ишлари бошқарма ва бўлимлари билан яқин ҳамкорликлари туфайли халқимиз янги Қонун хусусида атрофлича тасаввурга эга бўлишди. Ҳатто Самарқанд вилоятининг айрим туманларида жамоат транспортларига янги хизмат тури хусусида кўргазмали маълумотномалар илиниб, тарғибот самарадорлигининг янги-янги йўллари изланди. Жойларда соҳа мутасаддилари, мутахассисларининг оммавий ахборот воситаларида долзарб мавзу бўйича чиқишлари ташкил этилди. Самарасини мисоллар ёрдамида кўриб ўтиш мумкин.

Қурбон ака Ҳасановнинг соҳаси — геология. Комилжон Ўзбекистон миллий университетини тугаллаб, олий маълумот соҳиби бўлиб, бағрига қайтди. Қуролли Кучларимиздаги ислоҳотлардан, армияда хизмат қилиш нуфузи ортаётганидан бир оз хабари бор ота тўнғич ўғлининг ҳаёт мактабини ҳам ўташини истади. Аммо «кўрик-танловдан ўта оларкан, армияда хизмат қилишга ўзида ҳоҳиш борми-кин?», деган саволлар ҳам ўйлантирарди. Буни қарангки, ташаббус фарзандининг ўзидан чиқди. Кўрик-танловнинг барча мезонларидан муваффақиятли ўтган ўғлон Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари сафига олинди. Аъло хизматлари учун қисқа муддатли таътилга келган ўғлидаги ўзгаришларни кўрган ота қувончини яшира олмади. «Тўғриси офицер тоғанг сени армияга жўнатишимни маслаҳат берганди. Мана, шунча улғайибсан, тўлишиб, чиниқибсан. Бунинг устига бурчингни виждонан бажараётганинг учун шундай рағбатга муносиб топилибсан. Биз сен билан фахрланамиз», деди.

Янги Қонун асосида баҳорги чақирув энди бошланганди. Жиззах вилояти мудофаа ишлари бошқармасига кираётиб, нуроний бир отахон билан суҳбатлашиб қолдим. Саксон ёшли ота—Азамат бобо Холжигитов Бахмалдан экан. «Болам, армияда, урушда бўлганман. Болаларимнинг ҳам бари армияда хизмат қилган. Худога шукр, мустақил бўлдик, ўз армиямиз бор. Яқинда бир гап эшитиб қолдим. Йигитларни роса танлаб-танлаб, қандайдир танловдан ўтказиб, армияга жўнатармиш. Неварам Шералига «ниятинг холис бўлса, ёз аризангни, олиб кетади», десам, «сиз билмайсиз, янги Қонунлар чиққан», дейди. Мана, эринмай шунча йўл босиб келиб, аниқладим. Ҳақиқатан шундай экан. Хоҳишинг ўзи камлик қиларкан, энди. Аммо эл-юртнинг энг зўр ўғлонлари боради. армияга», дейди у.

Тўғри, отанинг бу чапани гапларида ҳақиқат бор. Лекин энг зўр йигитлар муддатли ҳарбий хизматга кетиб, яроқсизлар сафарбарлик чақируви резерви сафига олинаркан-да, деган хулосага келманг. Ҳатто «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Қонуннинг 6-моддасида «Муддатли ҳарбий хизматни ўташга яроқли ҳамда чақирилиш муддатини кечиктириш ва чақирилишдан озод этилиш ҳуқуқига эга бўлмаган, бироқ Қуролли Кучлар сафига навбатдаги муддатга чақирилмаган шахслар сафарбарлик чақируви резерви сафига олинадилар», деб ёзиб қўйилган. Бундан икки ойча муқаддам Фарғонага хизмат сафари билан борганимда сафарбарлик чақируви резервидаги хизматга олинган фуқароларнинг навбатдаги ойлик йиғини билан қизиқдим. Аввало йиғин маъмурияти анча тажриба тўплаган. Қолаверса, йиғин иштирокчилари соҳа сир-асрорларини ўрганишга ҳавасманд эканлиги билиниб турибди. Масалан, Аюбхон Фозилов деган фуқаро билан танишамиз. У Фарғона политехника институтини тугаллаб, Қўқонда лойиҳа институтида иқтисодчи-сметачи бўлиб ишларкан. «Янги хизмат тури зўр имконият, дегани экан. Аввало у Ватаним олдидаги бурчимни ўташимга имкон яратаяпти. Қолаверса, йиғинни тугаллаб, ўз ишимни бемалол давом эттираман. Ўрганаман, деган одам ана шу ойлик йиғин давомида ҳам ҳарбийликнинг муҳим томонларини билиб олиши мумкин», деди йигит биз билан суҳбатда.

Истиқлолнинг 12 йиллик тўйи арафасида десантчилар жамоасининг дала-ўқув машғулотларини кузатдим. Катта лейтенант Шавкат Шодмонов етакчилигидаги взводнинг оддий аскари нукуслик Маҳмуд Хўжанов гранатомётдан нишонга аниқ урди. Мазкур жамоанинг яна бир посбони снайперчи сурхондарёлик оддий аскар, мард ўғлон Баҳром Даминов 600 метр масофадаги шартли душман пиёдаларига жанговар қуролидан зарба берди. Ёки пулемётчи олмалиқлик оддий аскар Санжар Рустамовни олайлик. Хуллас, ҳар бири ҳақида алоҳида-алоҳида гапирса, очерк, лавҳалар ёзса арзийдиган мардлар экан. Ўзимча уларни камида бир йил хизмат қилиб қўйишган аскарлар деб ўйладим. Бироқ, бу шунқорларнинг бари 2003 йилнинг баҳорида, кўрик-танлов асосида сафларни тўлдирган ўғлонлар бўлиб чиқди. «Баракалла, қойил» демоқдан ўзга сўз тополмай қолдим.

Тўғри, ҳали масъул ходимлар чақирувнинг сифати, янги Қонуннинг амалиётга татбиқ этилган дастлабки йилдаги ютуқлар, муаммолар хусусида хулосалар чиқаришади. Аммо ижодкор сифатида, кузатишларим натижасида мен муайян хулосага келдим. Қуролли Кучларимиздаги ислоҳотлар биз кўзлаган натижаларни бермоқда.

Капитан Алижон САФАРОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.

ЮКСАК ҒОЯЛАР—БУЮК КЕЛАЖАК АСОСИ

Бугунги кунда ҳарбий хизматчиларни миллий истиқлол ғоялари руҳида тарбиялаш, Қуролли Кучларимиз учун тайёрланаётган кадрлар онгига истиқлол ғояларига содиқлик мустақиллигимизнинг ҳимояси ҳамда мамлакатимизда барқарорликни таъминлаш йўлидаги ўта муҳим вазифалардандир. Мудофаа вазирлиги ҳамда «Фан ва технологиялар» маркази ташаббуси билан ўтказилган «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури талаблари асосида ҳарбий хизматчилар касбий тайёргарлиги ва ғоявий тарбиясининг долзарб муаммолари» мавзуидаги республика илмий-назарий анжумани ана шу долзарб масалаларга бағишланди.

Мафкуравий тажовузлар мавжуд бир шароитда ғоявий тарбияни кучайтириш, тарбиявий ишларда эски, қотиб қолган усуллардан воз кечиш, янги усул ва услублар билан бойитиш замон талабидир.

Миллий ғоя нима ўзи? Миллий ғоя — миллат тафаккурининг маҳсули бўлиб, улар ҳаётига маъно-мазмун берадиган, эзгу мақсадларга етаклайдиган, айни дамда миллатнинг тарихига асосланиб унинг келажагини кўрсата оладиган фикрлар тизимидир. Миллий истиқлол ғояси Ўзбекистон халқининг туб манфаатлари, асрий орзу-умидлари, эзгу ниятлари, буюк мақсадларини ифода этиб, халқнинг ўз мақсад-муддаоларига эришиши учун маънавий-руҳий куч бўладиган пойдевордир. **«Томирида миллий ғурур, Ватан яшқи жўш урмаган одамдан жасорат кутиб бўлмайди. Биз шундай муҳит яратишимиз керакки, юртимизнинг ҳар бурчагида, ҳар бир фуқаро қиёфасида озод ва обод Ватандан фахрланиш ҳисси кўзимизни яшнатиб турсин»**, — дея таъкидлайди Юртбошимиз Ислом Каримов.

Ҳарбий хизматчиларнинг касбий тайёргарлиги ва ғоявий тарбияси ниҳоятда жиддий масала эканлигини эътиборга олиб, анжуманда миллий истиқлол ғоялари асосида ёшлар тарбияси муаммолари билан шуғулланаётган йирик мутахассислар, таниқли олимлар таклиф қилинди.

Анжуман иштирокчилари республика «Маънавият ва маърифат» маркази бошлиғи Қуддус Аъзамовнинг «Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш омиллари» номли маърузасини зўр қизиқиш билан тингладилар.

— Маъруза матнини тайёрлар эканман, интернет орқали хориж давлатларининг шакланиб бораётган Қуролли Кучларимиз ҳақидаги фикрларини ўргандим. Кўпгина давлатлар армиямизни «энг маънавиятли, тартибли, ҳаракатчан, замонавий техникалар билан қуролланган», дея эътироф этмоқдалар, — деди нотиқ ўз маърузасида.

Мустақиллик унутилаётган миллий урф-одатларимиз, қадриятларимизнинг қад ростлашига кенг йўл очиб берди. Эндиликда маънавиятни юксалтириш энг долзарб вазифаларимиздан бирига айланди. Маънавият ва маърифат тараққиётнинг муҳим омиллари ҳисобланади. Жамият юксак даражада онгли, маданиятли, маърифатли инсонлар ҳисобига ривожланиб боради.

Шарқий Осиё мамлакатларидан Япония давлатининг бу борадаги тажрибалари ҳавас қилса арзигулик. Япония на ҳудуди, на аҳоли нуфуси жиҳатидан дунёда биринчиликни даъво қила олмайди. Аммо, юксак маънавиятли, «аввал Ватан» дея фикрловчи япон миллати туфайли ҳар томонлама ривожланган давлат сифатида дунёга танилди. «Сен она Япония учун, унинг биринчилиги учун жавобгарсан, сен миллат буюклигини таъминлашинг керак», — дея болаликдан уқтириб борилган тарбиянинг нечоғли катта аҳамиятга эга эканлигини бугун кўплар тан олишмоқда.

Юксак маънавиятли, фидойи, Ватанга, халққа, Президентга содиқ аскар ва офицерларимиз шакланаётган миллий армиямиз қудрати ва салоҳиятини белгилайдилар. Қудратли, салоҳиятли армия эса мустақиллигимизнинг мустаҳкам таянчи бўла олади.

Бой тарихий меросимизнинг тарбияда тутган ўрни беқиёс. Ҳар битта фаолиятининг ўзи бир мактаб бўлишга арзийдиган саркардаларимиз Амир Темур, Мирзо Бобур, довюракликда тенгсиз Жалолиддин Мангуберди каби буюклар ҳаёти ҳарбийлар маънавиятини бойитувчи зилол чашма бўла олади.

Шундай фикрларни билдирган нотиқ Қуддус Аъзамов 2004 йилнинг «Меҳр-мурувват йили» деб эълон қилиниши давлатимиз ички ва ташқи сиёсатининг узвий давоми эканлигини айтиб, бу мавзуда ҳам алоҳида тўхталди.

ИИВ академияси кафедра бошлиғи профессор, фалсафа фанлари доктори А. Қодировнинг «Малакали кадрлар тайёрлашда диний ва дунёвий тарбиянинг нисбати» номли маърузасида Ғарб замонавий армияларининг дин билан алоқаси ва армияда диннинг ўрни ҳақида маълумот берилди.

Шунингдек, фалсафа фанлари доктори, профессор С. Отамуродов, Тошкент олий ҳарбий чегарачилар билим юрти ижтимоий фанлар кафедраси профессори, психология фанлари доктори В. Токарева, Қуролли Кучлар Академияси бошлиғининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари генерал-майор А. Камбаров, Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрти бошлиғи вазифасини бажарувчи полковник А. Мокеевларнинг Қуролли Кучлар фаолиятининг турли томонларини ёритувчи, аммо бир мақсадга йўналтирилган, яъни, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури талаблари асосида ҳарбий хизматчилар касбий ва ғоявий тарбиясининг долзарб муаммоларига бағишланган маърузалари тингланди.

Подполковник А. Ҳайдаров ўз маърузаси сўнггида олий ҳарбий таълим мутахассисларининг илмий хулосаларини ўзида акс эттирувчи Қуролли Кучларимизда ягона илмий-услубий журнал яратиш таклифини билдирди.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, мустақил юрт тараққиёти ватанпарвар юртдошларимизга боғлиқ. Қуролли Кучларимиз учун кадрлар тайёрлаш, шахсий таркибни камол топтириш, улар қалбида миллий истиқлол ғояси, Ватанга меҳр ва садоқат туйғусини уйғотиш, умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш тарбиявий ишларнинг асосий йўналиши бўлмоғи лозим. Президент Ислом Каримов айтганидек, жамиятимиз мафкурасида Ватан, юрт ғояси устувор бўлмоғи керак.

Баҳс-мунозараларга бой анжуман ишини Мудофаа вазирлиги давлат ва жамоат ташкилотлари билан ишлаш бошқармасининг бошлиғи подполковник Ислом Иноятов бошқарди.

Инобат ИБРОҲИМОВА,
«Ватанпарвар» мухбири.

ТАНЛАНГАНЛАР

(Давоми. Боши 1-бетда).



кимда ҳам ҳавас уйғотади. Тарбиявий ишлар бош бошқармаси, Маданий ишлар хизмати бош-қош бўлаётган тадбирлар Мудофаа вазири билан учрашувдан, эсдалик учун суратга тушишдан, хизматдаги ютуқ ва муаммолар ҳақида дилдан суҳбатлашишдан бошланади. Гўзал Тошкентнинг диққатга сазовор жойларига саёҳат, Темурийлар тарихи давлат музейи, Қуролли Кучлар Марказий музейи билан танишув ҳам дастурдан асосий ўрин олган. Сўнг пойтахтнинг машҳур маданият ўчоғларига ташриф давом этади. Масалан, Янги йил байрами арафасида ҳордиқ чиқарган посбонлар Алишер Навоий номидаги санъат саройида «Дев билан пакана» фильмини, Халқлар дўстлиги саройида «Хандалак»чилар иштирокидаги концертни, Ўзбек миллий академик драма театрида «Кундузсиз кечалар» спектаклини, Офицерлар марказий уйида эса чет эл фильмини томоша қилдилар.

Тошкент цирки, Европа цирк санъати усталари иштирокидаги ғаройиб номерлар, машҳур телеминорадан мамлакат пойтахтини томоша қилиш, ҳайвонот боғи бўйлаб экскурсия айниқса, кичкинтой учун ҳақиқий байрамга айланди.

Офицерлар марказий уйи маданий ишлар бўйича йўриқчиси Татьяна Яцикова шундай дейди:

— Илғор ҳарбий хизматчиларнинг маданий дам олишлари учун режалаштирилган тадбирларда бевосита қатнашаётганим учун шуни аниқ айтишим мумкин. Қарийб икки йилдан бери мунтазам давом этаётган ушбу ажойиб анъана барчага манзур бўлмоқда. Узоқ-узоқ гарнизонларда хизмат қилаётган ўғлоб, юзлаб ҳарбий хизматчилар, уларнинг оила аъзолари, фарзандларининг чексиз шодлигига, қувончига бевосита гувоҳ бўлмоқдаман. Маданий ишлар хизмати ходимлари мавсумга, ойга қараб тадбирлар дастурига ўзгаришлар киритишга, унинг хилма-хиллигини сақлашга ҳаракат қилмоқдалар. Бир сўз билан айтганда, аъзоли посбонларимиз пойтахт маданий ҳаётида бевосита иштирок этиб келмоқдалар, десак асло хато бўлмайди.

Суҳбатимизга Дам олиш маркази фахрли меҳмонлари қўшилади. Узоқ Термиз гарнизонидан келган катта лейтенант Сергей Бородавка, унинг турмуш ўртоғи Елена Донец ўз таассуротлари билан ўртоқлашадилар.

— Батальонимиз якуний синов машғулотлари натижаларига кўра Қуролли Кучларимизда иккинчи ўринни эгаллаган. Шунинг учун ҳам бундай имкониятга эга бўлдик. 14 декабрь куни полигонда машғулот ўтаётган эдик. Қисм командирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари подполковник Бахтиёр Баратов телефон қилиб «Тошкентда бир мазза қилиб дам олиб кетасан» деганида мени бу ерда бунча кўп учрашувлар, қизиқарли тадбирлар кутиб турганини асло тасаввур қилмагандим. Жуда-жуда хурсандман. Дам олиш марказида ҳам бизнинг яшашимиз, ҳордиқ чиқаришимиз учун барча имкониятлар мавжуд экан. Ҳатто қиш мавсуми бўлишига қарамай кўлда қармоқ билан балиқ ҳам тутдик. Қишда каттагина боғ, дарахтзор ичра кезишнинг ҳам гашти бўлакча экан. Марказ бошлиғи тиббий хизмат майори Мирзакарим Абдазимовга, барча хизматчиларга алоҳида миннатдорчилик билдириб ўтаман.

Фарзанди Александрни кўтариб олган Елена турмуш ўртоғини қўллаб-қувватлайди.

— Йираб ҳордиқ чиқардик. Кўплаб дўстлар орттирдик. Ажойиб хотираларимиз бир умрга сақланиб қолади.

— Ҳеч қандай камчилик бўлмадими, ишқилиб? — савол бераман жўр ттага унга.

— Йўқ, асло! Фақат...

— Тортинмасдан айтаверинг.

— Энди бу ҳам бир таклиф-да. Марказда дам олувчиларнинг фарзандлари учун кичкинтойлар хонаси, ясли очилса яхши бўларкан. Ана ўшанда театр, музейларга бемалол бориб-келаверасиз.

Жиззах гарнизони посбонлари вакили шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Пардабой Тўйчиевнинг бундай имкониятга, рағбатга эга бўлиши осон кечмаган. Махсус бўлинма илғор кичик командири сифатида Округ қўмондони томонидан кўл соати билан тақдирланиш, ўзи бошлиқ гуруҳнинг округлардаги гуруҳларо мусобақада биринчи ўринни эгаллаши учун жангчи қанчалар тер тўккан (унинг «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига 10 йил» эсдалик нишони билан тақдирлангани эса алоҳида бир мавзу).

— Ҳарбий хизматчиларнинг кўнгилдагидек дам олиши учун жон куйдирган Мудофаа вазирлиги раҳбариятига, барча ташкилотчиларга чексиз миннатдорчилик билдираман. Эътибор, ҳурмат-эҳтиромга аъло хизматимиз, машғулотларда янада катта ютуқларни қўлга киритиш билан жавоб берамиз. Ҳар кунимиз байрамдек ўтди, десам асло хато бўлмайди. Турмуш ўртоғим Нодирахон Тўйчиева, ўғлим Фурқатбеклар яна олиб келасизми дея қайта-қайта сўрашаяпти, — дейди у.

Она-бола кулимсирайди.

— Фурқатбек, Тошкентга биринчи бор келишингми? — дейман болакайга. У уялинқираб бош ирғайди.

— Даданг зўр хизмат қилса ёзда ҳам келасизлар, — дейман унга. Боланинг кўзлари чақнаб кетди.

— Кўрган нарсаларингни синфдошларингга гапириб берасанми?

— Ҳа. Укаларимга ҳам. Энди ҳамма менга ҳавас билан қарайди.

У рост гапираётган бўлсада, биз катталар бир кулишиб олдик.

...Аълочи посбонларга холис хизмат кўрсатаётган махсус автобусда шаҳарга қайтар эканман бояги мулоқотлар, суҳбатдошларим қиёфасидаги кўтаринки руҳ хаёлимда қайта жонланди. Моддий, маънавий-руҳий кўмак, мадад катта-кичиклигидан қатъи назар инсон учун нақадар муҳимлигини юракдан ҳис қилдим. Ҳа, Юртбошимиз «Миллий армиямиз — мустақиллигимизнинг, тинч ва осойишта ҳаётимизнинг мустаҳкам кафолатидир» китобида таъкидлаганидек «Ўз ҳаётини армиясиз тасаввур этолмайдиган, ҳарбий хизматни шунчаки иш эмас, Ватан ва халқ олдидаги муқаддас бурч, деб биладиган мард жангчиларимизнинг оғир ва масъулиятли меҳнати муносиб тақдирланиши лозим». Ана ўшанда жанговар сафларда илғорлар, голиблар, шу куннинг қаҳрамонлари кун сайин, соат сайин кўпаяди.

Майор Азимбек УСМОНОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.

Александр МРУЧАК олган суратлар.

ЯПОНИЯДА—„ЎЗБЕКИСТОННИ БИЛАСИЗМИ?“ ТЕЛЕВИКТОРИНАСИ

Буюк ипак йўли чорраҳасида жойлашган кўҳна мамлакат номини биласизми? Қадимги ислом архитектурасининг энг ажойиб намуналари қаерда сақланиб қолган? Японияликларнинг севимли фильмига айланган «Абдуллажон» қайси давлат кино ижодкорлари томонидан суратга олинган? Дунёда энг ширин ва катта қовун-тарвузлар қаерда етиштирилади?

Ўзбекистоннинг Японияда элчихонаси томонидан кунчиқар мамлакатдаги оммабоп телерадиокомпаниялардан бири «Фуджи-ТВ» билан ҳамкорликда уюштирилган телевикторина ана шундай саволлар билан бошланди.

Японияннинг етакчи олий билим юртларида таҳсил олаётган ўзбекистонлик талабалар мазкур дастурни тайёрлашда фаол иштирок этишди. Аниқроғи улар телетомошабинларга ўзлари қунт билан ўрганаётган япон тилида Ўзбекистон ҳаёти билан боғлиқ қатор қизиқарли саволлар беришди. Викторинага японияликларнинг кинорежиссёр ва актёр К. Такеши бошчилик қилди.

Эътиборли томони шундаки, кейинги пайтларда Япония оммавий ахборот воситаларида республикамиз ҳаётига оид ахборотлар кўлами тобора кенгайиб бормоқда. Уларда Президент Ислом Каримов раҳбарлигида республиканинг жаҳон майдонида тобора ортиб бораётган мавқеи, Ўзбекистоннинг минтақавий ва халқаро хавфсизлик борасида олиб бораётган ташқи сиёсати, мустақиллик йилларида эришилаётган иқтисодий ютуқлари ва Ўзбек халқининг бой тарихи ҳамда анъаналари ҳақида сўз юритилмоқда. Айниқса, етакчи вақтли матбуот нашрлари, «Киодо Ньюс» ахборот агентлиги ва шунингдек, «Эн-Хи-Ка» ва «Ти-Би-Си» телекомпаниялари орқали мазкур мавзулар тўғрисида мақолалар ҳамда кўрсатувлар бериб борилмоқда. Бу эса нафақат маҳаллий журналистлар, балки кенг япон жамоатчилигининг республикамизга бўлган қизиқишининг ортиб бораётганидан далолат беради.

— Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритгач, дунёга қайта юз очди. Бу гўшанинг бой тарихи, қадимий маданияти ва гўзал табиати бутун жаҳон жамоатчилигини ўзига жалб этмоқда. Таъкидлаш жоизки, японияликлар орасида ҳам Шарқнинг асл дурдоналари — Самарқанд, Бухоро ва Хива шаҳарларига бориш ниятидаги кишилар сони тобора кўпаймоқда, — деди жаноб К. Такеши.

Шу боис бўлса керак, «Фуджи-ТВ»да намойиш этилган мазкур телевикторинада иштирокчилар ҳамда томошабинлар жуда фаол иштирок этишди. Улар Ўзбекистон билан боғлиқ турли соҳаларга доир саволларга тўлиқ жавоб бера олишди. Энг юқори балл тўплаган ғолиб иштирокчиларга эса эсдалик совғалари тақдим этилди.

Кўрсатув чоғида ўзбекистонлик талабалар миллий мусиқа асбоблари жўрлигида бастакорларимизнинг мумтоз асарларидан ижро этишди.

Б. АЛИМОВ,
«Жаҳон» АА,
Токио.

Ислоҳотлар эътирофи

Сўнгги пайтларда юртимизда олиб борилаётган изчил иқтисодий сиёсат натижалари, хусусан, жорий халқаро валюта операциялари бўйича сўмнинг эркин алмашувини йўлга қўйиш, бозор муносабатларини янада жадаллаштириш, қишлоқ хўжалигини фермерлик фаолияти асосида тубдан ислоҳ қилиш борасидаги саъй-ҳаракатлар нуфузли халқаро ташкилотлар, сармоядорлар ва ишбилармон доиралари томонидан ижобий баҳоланмоқда. Ушбу муваффақиятларимиз жаҳоннинг таниқли илмий-тадқиқот марказларида чуқур таҳлил этилиши билан бир қаторда турли хорижий матбуот нашрларининг бош мавзусига айланди. Ҳиндистоннинг «Интернационал Сокиал.ок» журнали шулар жумласидан бўлиб, унинг охирги сонида «Ўзбекистон Республикасида сўнгги иқтисодий тараққиёт шарҳи» сарлавҳали мақола эълон қилинди.

Ҳинд журнали 2003 йилда Ўзбекистонда халқ хўжалигининг турли соҳаларида рўй берган кенг қамровли ўзгаришларни таҳлил қилар экан, улар авваламбор аҳолининг турмуш фаровонлигини ошириш, инсон омили устуворлигини таъминлашга йўналтирилгани билан алоҳида эътиборга лойиқлигини қайд этади.

Жумладан, Ўзбекистон раҳбариятининг иқтисодий ислоҳотлар жараёнига қараталётган юксак эътибори, изчил ҳамда оқилона сиёсати, халқаро молия ташкилотлари билан сермаҳсул ҳамкорлиги туфайли мамлакатда қисқа муддат ичида пул-кредит ҳамда молия бозорини тартибга солиш борасида оламшумул натижалар қўлга киритилгани таъкидланади.

«Сўнгги даврда мобайнида Ўзбекистонинг олтин ва валюта заҳиралари кўпайтирилди. Тижорат банкларининг ялпи капитали, банкларга қўйилган хусусий депозитлар миқдори сезиларли даражада ўсди. Бу ўз-ўзидан аҳолининг банк тизимига бўлган ишончининг тобора ортиб бораётганидан далолат беради. Мамлакатнинг Халқаро валюта жамғармаси билан самарали ҳамкорлиги, хусусан, қисқа муддат ичида жорий халқаро валюта операциялари бўйича миллий валютанинг эркин алмашувини йўлга қўйиш Ўзбекистоннинг халқаро молия оламидаги энг муҳим ва шу билан бирга жаҳон тажрибасида кузатилмаган ноёб қадами сифатида эътироф этилади», деб ёзади мақола муаллифи.

Айни пайтда ҳинд журнали Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамаси томонидан жорий йилнинг 26 августида қабул қилинган «Паст рентабелли, зарар кўриб ишлаётган, иқтисодий ночор давлат корхоналари ва объектларини хусусийлаштириши жадаллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори хусусида атрофлича тўхталар экан, ушбу ҳужжатнинг мамлакат иқтисодий ва сармоявий имкониятларини очиш ва хорижий сармояларни жалб этишдаги аҳамиятининг беқиёслигига алоҳида урғу беради.

«2003 йилнинг биринчи ярмида Ўзбекистоннинг қатор хорижий мамлакатлар, халқаро фирма ва ташкилотлар билан муносабатлари тобора чуқурлашиб борди. Тог-кон, нефть ва газ саноати, қишлоқ хўжалиги ва транспорт соҳаларидаги ҳамкорлик фаоллашди. Бу мамлакатда мустаҳкам ҳуқуқий асосга эга бўлган қулай сармоявий муҳитнинг яратилгани, иқтисодий фаолият хавфсизлигининг таъминлангани ҳамда фақатгина ўзбек халқига хос бўлган самимийлик, бағрикенглик ва меҳмондўстлик фазилатлари туфайлигина рўёбга чиқди», деб эътироф этади ҳинд журналисти.

Йил мобайнида мамлакат иқтисодиёти соҳасида амалга оширилган кенг кўламли ташаббуслар, электр энергияси, нефть ва газ ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш, минерал ресурсларни қайта ишлаш, замонавий технологияларни жорий қилиш, металлургия, қурилиш саноати, телекоммуникация соҳаларини ривожлантиришга қаратилган чора ва тадбирларга мақолада алоҳида эътибор қаратилган.

Шу билан бирга муаллиф ушбу соҳаларнинг Марказий Осиё минтақасида истиқболли юксаклигини таъкидлаб, Ҳиндистон ишбилармонларини мамлакатимиз бозорларидан тезроқ муносиб ўрин эгаллашга ҳамда Ўзбекистон билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни жадаллаштиришга чорлайди.

Акмалжон КЎЧҚОРОВ,
«Жаҳон» АА.

Новости науки и техники

ЖАКЕТ КАК ОРУЖИЕ

Граждане, особо опасающиеся за свою жизнь, теперь могут пополнить свой арсенал новым средством безопасности — элегантным пиджаком, который при необходимости мгновенно превращается в отличный инструмент самообороны. Грабитель, попытавшийся вывернуть ваши карманы, тут же получит неслабый удар током. Правда, что делать, если приобнять вас решил вовсе не преступник, а самый что ни на есть приятель, пока непонятно. Пиджаку все равно, валит всех без разбора.

ХОТИРА ҲАМ АЗИЗ НЕЪМАТ

Буюк Британия аҳолиси тўхтовсиз равишда хотирасини йўқотмоқда. Катта ёшдаги бир минг 600 нафар англияликлар орасида ижтимоий сўров ўтказган муаллифлар ушбу хулосага келишди. Қатнашчиларнинг учдан бири у ёки бу воқеани хотирада тиклаш жараёнида катта қийинчилик ҳис этишини тан олган. Уларнинг 25 фоизи туғилган кун ёки шунга ўхшаш ёдда қоладиган саналарни эслашда қийналади. 20 фоиз аҳоли эса керакли телефон рақамларини эслаб қололмайди. Ҳар олтидан бир қатнашчи эса кишиларнинг исмини эслаб қола олмайди. Энг мушкули, бундан роппа-роса бир ҳафта олдин нима бўлганини эслаш масаласи бўлди. Буни эркакларнинг 56 фоизи, аёлларнинг 53 фоизи ижобий ҳал эта олмади. Мутахассислар мураммонинг илдизи ташвишлар кўплиги ва мия етарли даражада ҳаракатлантирилмаётганлигида деб фикр билдиришмоқда.

ЭЛЕКТРОКОШКА

То, что кошка — отличное лекарство от нервов, известно давно. Японцы создали механическое существо, чья шерсть обладает столь же целебными, как у кота, свойствами. К тому же оно умеет мурлыкать, шевелить ушами и хвостом и откликается на кличку. Электрокошку научили делать вид, что она спит, сидит, вылизывает себя. Но при этом не научили есть и ходить в туалет. Так что для ленивых ее преимущество очевидно. Главное — вовремя менять батарейки.

МАРСДА ИСТИҚОМАТ ЖОЙЛАРИ

Яқин йигирма йил ичида одамлар Марсда истиқомат қила бошлайди. Европа қонот агентлиги Бернард Фонингнинг билдиришича, яқин орада борадиган фазогирларни жойлаштиришга имкон берувчи технологиялар вужудга келади. Бироқ бу ташаббусни жамоатчилик қўллаб-қувватлаши учун сиёсий ирода зарур. «Тахминга кўра, буни бажариш мумкин, — дейди ойга биринчи Европа экспедициясини жўнатиш лойиҳаси муаллифларидан бири. — Аммо ҳамма гап сиёсий ифодада. Шу мақсадда Ойга йўл олиб, у ерда истиқомат жойларини бунёд этиш учун асос тайёрлашга ҳозирлик кўриш керак».

Ойга учувчисиз парвоз этадиган кема Европа қонот кенгликларини забт этишга қодир барча технологияларга эгалигини намойиш этади. Ўн беш ойлик саёҳатдан сўнг фазогирлар Ойга етиб олишгач, улар музлаб ётган сувни топишади ва таркибидаги минералларни ўргана бошлайди. Шу билан бирга саёҳатчилар келажак фазогирларга жой танлашга киришадилар.

СТИРАЛЬНАЯ МАШИНА НЕ ДЛЯ БЕЛЬЯ

В испанских магазинах появились стиральные машины для кошек и собак. Они вовсе не похожи на стиральные машины для белья. Новые приборы идеально подходят для поддержания гигиены этих домашних животных и рассчитаны на особенности кошек и собак, что не удается сделать при обычном мытье под душем.

К тому же эти стиральные машины помогают хозяевам четвероногих друзей соблюдать чистоту в доме и заботиться о собственном здоровье.

Ведь хорошо и правильно вымытое животное значительно уменьшает риск заболевания аллергией живущих рядом с ним людей.

(По страницам Интернета).

Жаҳонда китобдан яхши ёр бўлмас...

Хизмат сафарларида бўлганимизда, албатта, кутубхоналар фаолияти билан танишамиз. Тан олиш керакки, ҳарбий қисмларнинг ҳамма кутубхоналари ҳам талаб даражасида, деб бўлмайди. Баъзи кутубхоналарда китоблар билан таъминланиш қониқарсиз аҳволда. Жиҳозланмаган, пала-партиш тахланган китоблар, талабга жавоб бермайдиган ўқув заллари, энг ажабланарлиси, «доҳий»нинг «идеал» ҳаётидан ҳикоя қилувчи китоблар ҳамон жавонларда тизилиб турганига гувоҳ бўлганмиз. Бундай ҳолатлар кам бўлса-да, учраб туриши кўнгилсиздир. Кутубхоналар фаолиятининг армия ҳаётида нечоғли муҳим ўрин тутишини барча баробар тушунсагина бунақа ҳолатларга бутунлай барҳам берилади. Бу кўп жиҳатдан вазифасини сидқидилдан бажарувчи, тиниб-тинчимас кутубхоначиларга ҳам боғлиқдир.

Бугун сизга ҳикоя қилмоқчи бўлганимиз худди шундай кутубхоначилардан бири Наргиза Норбадаловадир. У иш фаолиятининг илк кунларидан кутуб[illegible]ни таъмирлашга эътиб[illegible]аратди, ундан кейин ж[illegible]аш ишларига навбат келди. Шу тариқа ишлар қизғинлик билан давом эттирилди.

Бугунга келиб кутубхона округ бўйича энг яхши зиё масканига айланди. Наргизанинг таъкидлашича, саранжом-сариштa, дид билан чиройли қилиб жиҳозланган кутубхона ҳам ўзига жалб қилувчи хусусиятга эга экан. Зиё масканига бир бор кирган киши, албатта, китоблар оламининг мўъжизасидан баҳраманд бўлиб кетади. Бу ҳам бўлса ўз ишини яхши билган кутубхоначининг хизматлари туфайлидир.

Китоб билан, тўғрироғи, мумтоз адабиётимиз дурдонаси билан боғлиқ бир воқеани Наргиза шундай ҳикоя қилади:

— Хизматдаги аскар ҳаётини бир хил давом этади, деб айтиб бўлмайди. Китобхон аскарларимиздан бири сафдош дўсти ҳақида гапириб қолди. Айтишига қараганда, йигит севиб хат ёзишиб турадиган қизнинг отаонаси уни бошқага унаштириб қўйибди. Бу ҳол йигитга ёмон таъсир қилган. Бунақа ҳолатда ўзўзингга атрофда ҳамма бахтиёр, шодон-у, фақат ёлғиз сенгина бахтсизга ўхшаб кўринасан. Уни китоб жавонларини тўғрилашга ёрдам бериб юборишини илтимос қилдим. (Албатта, жавонлар унинг ёрдамисиз ҳам жой-жойида эди). Пайтдан фойдаланиб, аскарга улуғ Паҳлавон Маҳмуд Пирёвалий ҳақида қисқача гапириб бердим. Табиийки, бундай улуғ шахс ҳаёти ҳеч кимни эътиборсиз қолдирмайди. Унинг қизиқаётганини сезиб, Паҳлавон Маҳмуд қаламига мансуб ғазалларни кўрсатдим. Ўқиб кўришини маслаҳат бердим. Орадан икки-уч кун ўтиб, аскар йигит кутубхонага келиб: «Паҳлавон Маҳмуд худди менинг дардларим ҳақида ёзгандек, «Афсуски топилмас ҳамдам бу дамда»...» деб шу рубоийни ёддан ўқиган. Ҳеч нарса билмагандек, бу сафар қаҳрамон шоиримиз Абдулла Ориповнинг «Йиллар армони» тўпламини ўқишини маслаҳат бердим. Кейнинги келишида: «Шеърлар одамга шунчалик куч бағишлайди, деб сира ҳам ўйламаган эдим», — деди. Мамнун бўлишга арзийдиган воқеа, шундай эмасми?

Албатта, мамнун бўлишга арзийди. Китоб кўнгил дардларига эш бўла олишини мана шундай тарзда билдириш, бу ҳамманинг ҳам қўлидан келмаса керак.

Ижтимоий-сиёсий тайёргарлик машғулотларининг аҳамиятини гапириб ўтиришимиз ортиқча. Бу машғулотларнинг жонли, қизиқарли ўтишида кутубхонанинг хизмати, китобларнинг ўрнини ҳеч нима боса олмайди. Ташаббускор кутубхоначи шахсий таркибнинг маънавиятини юксалтиришга хизмат қилувчи турли-туман тадбирларнинг ташкилотчиси ҳамдир. «Президент асарларини ўрганамиз», «Тарих ва ёшлар», «Аждодлар мероси», «Буюкларимизни ўрганамиз», «Саркардаларимиз — миллат фахри» каби тадбирлар шулар жумласидандир.

Ўз ишининг фидойиси бўлган Наргиза Норбадалова ҳақида подполковник Олим Қўчқоров шундай деди:

— Ҳарбийларимизнинг хизматдан бўш вақтларини мазмунли ўтказишларида кутубхоначи Наргиза Норбадалова томонидан ташкил қилинган турли бадиий кечалар, викториналарнинг катта ўрни бор. У буюк саркардалар ҳаёти, Қуролли Кучларимиз тарихи акс этган асарлар билан таништириш ва шунинг баробарида уларга нисбатан катта қизиқиш уйғота билади. Бир сўз билан айтганда, вазифасини виждон билан бажаради.

Наргиза китобхонларни кўпроқ жалб қилиш учун кутубхоначининг ўзи ҳамма томонлама билимдон бўлиши керак, деб ҳисоблайди. Ана ўшандагина ҳар бир китобхон билан дилдан гаплашиб, китоблар ҳақида керакли маслаҳатларни бера оласиз.

Шундан бўлса керак, бу кутубхона ҳар доим гавжум. Китобхонлар ҳақида Наргиза шундай дейди:

— Тиббий хизмат подполковниги Солижон Ярашев тарихий адабиётларнинг ашаддий ихлосманди. Оддий аскарлар — Шерали Тўкумов, Ҳуснатилло Комилов, Нурали Шаймановлар детектив асарларни севиб мутолаа қилишади. 20-йиллар жадид ёзувчиларининг асарларига ҳам қизиқиш кучли. Кутубхонанинг фаол аъзоларидан шартнома бўйича хизмат кичик сержанти А. Мирзаахмедов, З. Утанов, Ҳ. Холиқовларни айтиш мумкин.

Наргиза Норбадалова Қуролли Кучларимизнинг 12 йиллик байрамига атаб ўтказиладиган катта тадбирга тайёргарлик кўрмоқда. Бу тадбир ҳам худди бошқалари каби узоқ вақт эсда қоларли бўлишига шубҳамиз йўқ.

Яна бир нарсани айтишни унутай дебмиз. Наргиза кейинги фаолиятини шартнома бўйича ҳарбий хизматчи бўлиб давом эттириш ниятида экан. Биз унинг кутубхоначилик фаолияти билан танишиб чиққач, унга ишонч билдириб, муваффақият тилашга ўзимизни ҳақли деб ҳисобладик.

Лейтенант Ҳасан МИРЗАЕВ,
Инобат ИБРОҲИМОВА,
«Ватанпарвар» мухбирлари.

● ВНИМАНИЕ, КОНКУРС!

К 12-ЛЕТИЮ ВООРУЖЕННЫХ СИЛ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН



В соответствии с планом по подготовке и празднованию 12-й годовщины Вооруженных Сил Республики Узбекистан в Выставочном зале Центрального музея Вооруженных Сил накануне 14 января 2004 года откроется и будет проводиться IV Всеармейская выставка художественного творчества военнослужащих, членов их семей, ветеранов Вооруженных Сил.

Для участия в выставке художественного творчества могут быть представлены живописные работы (тематические и жанровые), портреты, пейзажи, натюрморты, рисунки, графика, изделия народно-прикладного искусства, керамика, резьба по дереву, ганч, чеканка, ткачество, художественная вышивка, ювелирные работы.

Победителям и призерам будут вручены денежные премии (1-е место — 30 тысяч сумов; два 2-х места — по 20 тысяч сумов; три 3-х места — по 15 тысяч сумов) и дипломы.

ВНИМАНИЮ КОМАНДИРОВ, ИХ ЗАМЕСТИТЕЛЕЙ ПО ВОСПИТАТЕЛЬНОЙ РАБОТЕ И ПРЕДСЕДАТЕЛЕЙ ЖЕНСОВЕТОВ!

Работы вместе с анкетами авторов следует направить до 5 января 2004 года в Центральный музей Вооруженных Сил.

Мунажжимлар башорати

ҚЎЙ. Янги ахборотларга эътиборли бўлинг — улар сизни асосий хизматдан чалғитиб қўйиши мумкин. Сиз учун ҳали дам олиш вақти келгани йўқ, ҳозир барча кучларингизни олдингизга қўйилган вазифаларни бажаришга қаратинг. Бу борада сафдошларга ҳам ёрдам беринг. Уй муаммоларига камроқ эътибор беринг, акс ҳолда фойдасиз гап-сўзлар чиқади.

БУЗОҚ. Хизматда сизнинг фойдангизга яхши ўзгаришлар бўлиши мумкин. Қарорларни ҳар томонлама ўйлаб қабул қилинг — бу ишларга ҳам, командир ва сафдошлар билан муносабатларга ҳам тааллуқли. Ўзингизни бошқалар ўрнига кўпроқ қўйиб кўринг — бу хизматда ва уйда кўп муаммоларни муваффақиятли ҳал қилишда ёрдам беради. Лавозим борасида ҳам ўсиш кутилмоқда.

ЭГИЗАКЛАР. Агар имкони бўлса, ҳозирча командир (бошлиқ)лар билан мулоқотдан узоқроқда бўлишга ҳаракат қилинг. Сиз ўз юриш-туришингиз билан сафдошлар ва дўстларни ҳайрон қолдиришингиз мумкин. Бироқ, бирваракайига «мингта» ишга қўл урманг, улардан бирон муҳимроғини танлаб олиш ва эътиборни унга қаратиш сиз учун фойдали.

ҚИСҚИЧБАҚА. Бу ҳафтада сиз дадиллик билан янги иш ёки янги хизмат фаолиятини бошлашингиз мумкин. Чоршанба — ўз аҳволингизни ўйлаб кўриш ва тўғри қарорга келиш учун қулай кун. Ҳафта охирига бориб кўпроқ ҳаракат қилишга тўғри келади, акс ҳолда ўйланган ишлар амалга ошмай қолиши мумкин.

АРСЛОН. Хизматда сизни кўп ишлар кутмоқда, шу сабабли ҳозирча дам олишни унутганингиз яхши. Ишларни муваффақиятли ҳал қилиб, вазиятни ўз фойдангизга ўзгартирмоқчи бўлсангиз, сиздан қатъийлик ва тезкорлик талаб этилади. Бирон гап айтишдан аввал яхшилаб ўйланг. Командирлар сизнинг гоя ва таклифларингизни қўллашади.

ПАРИЗОД. Бу ҳафтада ҳар қандай вазиятда ҳам ўзингизни йўқотманг, ҳиссиётларингизни қўлга олинг. Бу даврда сиз кўп нарсаларни ўзгартириб юборишга қодирсиз ва бундан қониқиш ҳосил қиласиз. Жиддий режаларни тайёрлаш ва амалга ошириш билан шуғулланиш учун жуда яхши вақт. Сафдошлар билан муносабатлар кўнгилдагидек давом этади.

ТАРОЗУ. Ҳафтадаги энг муҳим вазифа — сафдошлар билан ўзаро ҳамфикрликни йўлга қўйиб олиш. Ҳафта воқеаларга бой бўлади, қизиқарли таассуротлар қолдиради ҳамда энг дадил режалар ҳам амалга ошишига ёрдам беради. Ваъдалар бермасликка ҳаракат қилинг, чунки уларни бажариш қийин кечади.

ЧАЁН. Ҳар қандай вазиятда ҳам фақат ўз кучингизга таянинг. Яқин келажак учун ишларингизни режалаштириб олинг. Қизиқарли ва истиқболли фикр ва гоялар пайдо бўлади. Ҳафтанинг иккинчи ярми — муаммоли масалаларни тинч йўл билан ҳал қилиш учун яхши давр. Қатъий ва принципиал бўлишга ҳаракат қилинг. Маблағ борасида омадингиз келиши мумкин.

ЎҚОТАР. Ўзингизни оддий, содда тутишга ҳаракат қилинг. Режаларингизнинг муваффақиятли амалга ошиши эҳтимоли ошиб боради. Ўзингиз учун муҳим бўлган ишларни биринчи навбатда бажаришга ҳаракат қилинг, акс ҳолда ўзгалар муаммосини ҳал қилишга аралашиб қоласиз. Ўз фаоллигингиз ва тиниб-тинчимаслигингиз билан сафдошлар орасида обрўингизни мустаҳкамлаб олишингиз мумкин.

ТОҒ ЭЧКИСИ. Бу ҳафтада сиз аввалроқ яқинларингиз билан муносабатларда йўл қўйилган хатоларни тўғрилаб олишингиз мумкин. Сизнинг яхши кайфиятингиз ва ижобий ҳиссиётларингиз сафдошларга ҳам ўз таъсирини ўтказади. Сизни турли учрашувлар кутмоқда.

ҚОВҒА. Зеркарли ишларни душанбада тугатиб олсангиз, яхши бўлади. Сешанба куни келажак учун режалар тузишга сарфланг. Хизмат бурчингизни бажаришда иккиланишга йўл қўйманг, шунингдек, ўз куч ва имкониятларингизга тўғри баҳо бериб ҳаракат қилинг. Қисқа муддатли сафар сиз учун фойдали бўлади.

БАЛИҚ. Ўз сафдошларингиз, яқинларингиз ва суюкли кишингизга эътиборли ҳамда ғамхўр бўлинг. Бу ҳафта учун хизмат вазифаларини олдиндан режалаштириб олинг. Сиз учун кутилмаган манбадан қимматли ахборот келиши мумкин. Якшанба — тугатилмай қолган ва кейинга қолдирилган ишларни якунлаб олиш учун қулай кун.

● МУШТАРИЙЛАР МАКТУБЛАРИ

ТАҲРИРИЯТГА ХАТ КЕЛДИ



Сарҳисоб яхши нарса. Ютуқларни, камчиликларни англайсан. Келгуси режаларни шунга қараб белгилайсан. Шу боис, ҳам янги йил олдидан қилинган ишлар бир-бир таҳлил қилинади. Ана шу анъанадан келиб чиқиб, якунланиб бораётган 2003 йил давомида муштарийларимиздан олган мактублар таҳлилига тўхталмоқчимиз.

Ишонч билан айта оламизки, 2003 йил газетхонлар мактубларига бой йил бўлди. Яъни, 2002 йилга нисбатан 20 фоиз кўп хатлар таҳририятимиз почтасига келиб тушди. Бунга таҳририятга муаллифларнинг ўзлари олиб келишган ижод намуналарини ҳам қўшадиган бўлсак, рақамларнинг янада салмоғи ошади. Шу ўринда аввало бир савол кўндаланг бўлади. Хўш, бу кўрсаткич кўпми, озми? Маълумки, мустақилликка эришганимиздан кейин республикамизда оммавий ахборот воситалари сони кескин ошди. Бу эса ахборот оламида ўзига хос рақобатни шакллантириши аниқ. Ана шу жараёнда ҳар бир нашрнинг ўз ўқувчисига эга бўлиши муҳим ютуқ. «Ватанпарвар» газетасининг эса доимий ва садоқатли ўқувчилари бор. Уларнинг мунтазам мактублар йўллаб туришгани, бу кўрсаткич йилдан-йилга ошаётгани эса буни яна бир бор исбот этади. Бироқ, бу натижа билан чегараланиб қолмаслигимиз керак. Муаллифларни газетага кўпроқ жалб этмоғимиз лозим.

Мактубларнинг 60 фоизга яқини «Конституцияни ўрганамиз» танловига келганини таъкидлаш жоиз. Бу эса бундай танловларни мунтазам ўтказиб туришимиз лозимлигини кўрсатди. 30 фоиз хатлар эса муштарийларимизнинг ижод намуналари эди. Уларнинг талабга жавоб берадиганлари газета саҳифаларида чоп этилди. Мактубларнинг 5 фоизини таклиф, сўровлар, қолган 5 фоизини эса шикоят ариза-лари ташкил қилганини айтиб ўтиш лозим.

Хўш, ижод намуналари айнан нималар? Аввало бу газетамиз саҳифаларида бериб борилган муштарийлар хатлари, шеърлари шарҳида ҳам акс этганди. Таҳлиллар шуни кўрсатдики, ижод намуналарининг 65 фоизини мақола, хабарлар, 20 фоизини шеър, воқеий ҳикоялар, 15 фоизини топқирлик машқлари ташкил этди.

Таъкидлаш жоизки, аскар ота-оналарининг мактублари, севимли ёрнинг посбонга мактублари 2002 йилга нисбатан 10 фоизга ортди.

Айнан кимлар кўпроқ мактуб йўллашди, деган савол бўйича ҳам қизиқиб кўрдик. Шунда қуйидагича манзара намоён бўлди, офицерлар — 37 фоиз, сержантлар — 35, аскарлар, курсантлар 15, фуқаролар 13 фоиз. Мазкур рақамларни ўз навбатида 2002 йил билан қиёсладик. Шартнома бўйича ҳарбий хизматчиларнинг мактуб йўллашлари жорий йилда 10 фоизга, аскар, курсантларники 3 фоизга ортган. Бироқ фуқароларда бу кўрсаткич 7, офицерларда 5 фоизга камайганини кўриш мумкин.

Энг кўп мактуб йилнинг учинчи чорагида йўлланган бўлиб, бу жами хатларнинг 35 фоизини ташкил этган.

Келинг, таклифлар, сўровлар мазмуни борасида ҳам тўхталиб ўтайлик. Таклифларнинг аксарияти рангбаранг танловлар ўтказиш, хориж армияси, замонавий қурол-аслаҳа ҳақида газетада тез-тез ёзиш билан боғлиқ. Сўровлар, юборилган саволлар эса шартнома бўйича хизматга кириш, олий ҳарбий ўқув юртларига ўқишга кириш тартиби билан боғлиқ. Хуллас, тақдирини ҳарбий соҳа билан боғлаш умидида бўлганлар ўзларини қизиқтирган саволлар билан мурожаат қилишган. Қизиғи шундаки, ҳатто ҳарбий соҳага ўтиш истагида бўлган қизлар, аёллардан ҳам мактублар олдик.

Таҳлиллар жараёнида энг фаол муаллифларга ҳам эътибор қаратдик. Фозилжон Орипов, республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази бошлиғининг ўринбосари Султонмурод Олимов, Ёзувчилар уюшмаси раисининг ўринбосари, шоир Сирожиддин Саййид, шоир Икром Отамуродов, Пётр Нагорний, Асқарали Маматов, ҳарбийларимиздан — Марказий ҳарбий округ қўмондонининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари подполковник Фарҳод Абдуллаев, республика ҳарбий прокуратураси масъул ходими адлия подполковниги Собиржон Ёқубов, тарбиячи офицерлардан майор Мирзо Ашуров, капитан Ҳошимжон Усканов, шартнома бўйича хизмат сержанти Аманбай Арзиев, шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Умида Мирзакаримовалар шулар жумласидан.

Газетанинг қизиқарли, ранг-баранг бўлиши муштарийларга кўпроқ боғлиқ. Қўллаб-қувватлаб, таклифлар билдириб, мактублар билан фаол қатнашиб туришса, газета муштарийнинг қалб кўзгусига айланади.

Капитан Алижон САФАРОВ,
спорт ва оммавий ишлар бўлими бошлиғи.

● СПОРТ ●

● ВЕЛОСПОРТ

ЎЗБЕКИСТОНЛИКЛАР ЭНГ ТЕЗКОР

Велоспортчиларимиз Малайзияда ташкил этилган навбатдаги «Перлиз опен—2003» анъанавий кўпкунлик халқаро турнирда муваффақиятли иштирок этди. Мусобақа доирасида 40 километрга яккалик, 160 километрга гуруҳ ва 70 километр масофага критериум пойгалари ўтказилди.

Катталар ўртасида уч кунлик пойгаларда фарғоналик Сергей Крушевский голиб бўлди. Таиландлик пойгачи Лекаватни ортда қолдирган тошкентлик Владимир Тўйчиевга иккинчи ўрин насиб қилди.

Ўсмирлар баҳсида ҳам ўзбекистонлик спортчилар тезкорлик, чаққонлик, тажриба ва маҳорат бобида бошқа мамлакатлардан келган велопойгачилардан анча устун эканини намойиш қилди. Яккаликлар ўртасида 25 километр масофага ўтказилган пойгада наманганлик Азиз Абдураҳимов барча рақибларидан ўзиб кетди. Унинг ортидан марра чизиғини Наманганнинг яна бир вакили — Константин Калинин кесиб ўтди. Тошкентлик Филипп Яковенко эса кучли бешликдан жой олди. Шунингдек, К. Калинин критериум баҳсларида иккинчи ўринни қўлга киритган бўлса, Ф. Яковенко гуруҳ пойгасида учинчи натижани қайд этди.

Муҳими, пойгалардаги дастлабки ўн ўринга рейтинг очколари берилади. Ҳамюртларимиз мазкур мусобақада 70 очко жамғаришга муваффақ бўлди. Агар қолган беллашувларда ўзбекистонлик велоспортчилар атиги 80 очко тўпласа, Олимпиада ўйинларига яна учта йўлланмани қўлга киритади.

Айни пайтда велоспортчиларимиздан фақатгина жаҳон чемпиони, иқтидорли пойгачи Сергей Лагутин Афина Олимпиадаси йўлланмасига эга. Ҳозир ушбу спортчи биринчи дивизион вакили — Италиянинг «Ламбоукредит-Кольнаго» клуби шарафини ҳимоя қилмоқда.

Велоспорт бўйича биринчи дивизион мусобақаларида жаҳон рейтингида энг кучли деб эътироф этилган ўттизта клуб аъзолари қатнашади. Бундан ташқари, ушбу спортчимиз 19 ёшдан 23 гача бўлган велоспортчилар ўртасида ўтказилган жаҳон кубогининг барча босқичлари натижасига кўра, 23 ёшдан катталар қатнашадиган энг моҳир спортчилар сафига қўшилди. С. Лагутиндан ташқари яна уч нафар ҳамюртимиз — Сергей Крушевский, Рафаэль Нуритдинов ва Денис Шкарпета ҳам ана шундай юксак эътиборга эга.

● СИРИМ

ПОЛВОНЛАР КОРЕЙСЧА КУРАШДИ

Пойтахтда шарқона яккакураш тури — сирим бўйича Ўзбекистон кубоги мусобақаси якунланди. Сирим — корейсларнинг миллий кураш тури бўлиб, спортчидан куч, тезкорлик ва чаққонликни талаб қилади. Унда қўлланиладиган усуллар ўзбек кураши, дзюдо ва самбо усулларига жуда яқин.

Мамлакат кубоги учун кечган беллашувларда олтмиш тўрт нафар полвон тўрт вазн тоифасида куч синашди. Барча рақибларни дорда қолдирган О. Отабаев, Д. Қурбонбоев, Д. Рўзиев ва М. Тошев ўз вазн тоифасида биринчи ўринни эгаллади.

З. ТОШХЎЖАЕВ,
ЎзА мухбири.

● ҚИЛИЧБОЗЛИК

РУСЛАН — БИРИНЧИ

Қозоғистоннинг Алмати шаҳрида қиличбозлик бўйича мамлакат кубоги учун ўтказилган очиқ турнирда иштирок этган моҳир қиличбозлар — Руслан Кудаев, Дмитрий Филимонов ва Роман Зобрушкодан иборат миллий жамоамиз шпагадан биринчи ўринни эгаллади. Шунингдек, шахсий биринчиликда Руслан Кудаевга тенг келадигани топилмади.

Қ. ҚАРШИЕВ.
(ЎзА).

ДОНОЛАР БИСОТИДАН

● Билим, фақат билимгина инсонни озод ва улуғвор қилади.

● Йигитликда йиғ
илмнинг махзани,
Қарилик чоғида
сариф қилгил ани.

● Билим куч, куч эса билимдадир.

● Билим — барча қулфатларга қалқон.

● Билим ва қудрат — иккови эгизак.

● Инсон дунёни қанчалик билса, ўзлигини ҳам шунчалик англайди.

● Билганларимизнинг чеки бор, билолмаган нарсаларимизнинг эса ҳад-чегараси йўқ!

● Илмдан бир шуъла
дилга тушган он,
Шунда билурсанким,
илм беполён.

● Билим инсонга ҳамма йўлида ҳамроҳдир.

● Инсон билимга интилади ва қачонки унда билимга ташналик сўнса, у инсонийликдан маҳрум бўлади.

● Сиз нимани тушунмасангиз, у сизга бегона.

● Билимга элтувчи ягона йўл — бу фаолиятдир.

А. САЛИҲОВА тайёрлади.

ЭКОЛОГИЧЕСКАЯ БИБЛИОТЕКА

В Республиканском учебно-методическом центре «Биоэкосан» открылась общественная экологическая библиотека. Это совместный проект центра ОБСЕ в Ташкенте и центра «Биоэкосан».

Новая библиотека открывает двери для всех желающих обогатить свои знания в области экологии, охраны окружающей среды, узнать интересные факты из жизни животных и растений. География охвата информацией очень широка.

Данная библиотека универсальна, так как здесь имеется книжный отдел для детей и разнообразная литература для взрослых читателей. Основной акцент при отборе и комплектации книг и журналов был сделан на экологию и охрану окружающей среды.

Уже с первых дней зимних каникул эта библиотека будет принимать у себя ребят, которые познакомятся с увлекательными книгами, посмотрят фильмы, встретятся с обитателями мини-зоопарка, погрузятся в замечательный и разнообразный мир природы. Зал библиотеки оборудован современной техникой, у посетителей имеется возможность получения информации через Интернет, видео- и аудиотехнику.

Назокат УСМОНОВА,
корр. УзА.

МОЛОДЕЖЬ — ОПОРА ОБЩЕСТВА

Основные задачи общественного движения молодежи «Камолот» — оказание помощи в воспитании подрастающего поколения в соответствии с требованиями здорового образа жизни, в правильном выборе жизненного пути, в полном проявлении интеллектуального потенциала, возможностей.

В этом направлении в центральном совете организации, областных, районных отделениях проводится определенная работа. Более чем двум тысячам детей из малообеспеченных семей, подросткам, состоящим на учете в комиссии по делам несовершеннолетних, выданы бесплатные учебники, учебные принадлежности, одежда, спортивные принадлежности.

Совместно с биржами труда на местах проводятся ярмарки свободных рабочих мест. В сотрудничестве с соответствующими организациями трудоустроены временно неимеющие работу более тридцати двух тысяч юношей и девушек.

Об этом говорилось на посвященном итогам текущего года заседании центрального совета общественного движения молодежи «Камолот».

На мероприятии группе передовой молодежи вручены нагрудные знаки «Узбекистон белгиси».

Б. ХИДИРОВА,
корр. УзА.

ТОПҚИРЛИК МАШҚИ



ЭНИГА: 7. Муайян корхона, ташкилотга қарздор юридик ёки жисмоний шахс. 8. Шам ишлаб чиқариш ашёси, оқ мумсимон модда. 11. Рус авиаконструктори. 14. Рўзғор буюми. 17. Ҳарбий белги. 18. Ҳисоб илмининг қадимий номи. 20. Эшикни беркитиш мосламаси, ёғоч қулф. 21. Савдо ёки саноат бирлашмаси. 26. Тиниш белги. 29. Буюк Британиядаги шаҳар. 31. Пойтахтимиз вилоятидаги шаҳар. 32. Таркибида водород бўлган ва шу водород ўрнини бирор металл эгаллаганда туз ҳосил қилувчи кимёвий бирикма.

БУЙИГА: 1. Биринчи ўзбек кинооператори. 6. Организм фаолияти учун зарур органик модда. 9. Ёзув ашёси. 10. Савдо-сотиқ фаолияти. 12. Жуда баланд. 13. Тасвирий санъат соҳаси. 15. Жасур, қўрқмас. 16. Пайғамбар. 19. Абулқосим Фирдавсий достони. 22. Ҳарбий қисм қошидаги касалхона. 23. Темир рудасидан чўян эритиб олиш иншооти. 24. Кичик портловчи снаряд.

ЁЙЛАР БУЙИЧА: 2. Қадимий вазн ўлчови бирлиги. 3. Марказий Осиёдаги республика. 4. Халқлар таркиби, келиб чиқиши, турмуш ва урф-одатларини, маданий-тарихий алоқаларини ўрганувчи фан. 5. Тантанали кун. 25. Ўқотар қуроллар ихтирочиси, техника фанлари доктори. 27. Ҳарбий қўшин тури. 28. Аския мавзуи. 30. Африкадаги мамлакат.

Фозилжон ОРИПОВ.

ГАЗЕТАНИНГ 152-СОНИДА ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ТОПҚИРЛИК МАШҚИНИНГ ЖАВОБЛАРИ:

ЭНИГА: 1. Маглубият. 4. Бўрикалла. 7. Ишпеч. 9. Қочоқ. 11. Омоч. 12. Андромеда. 13. Анор. 16. Тенор. 17. Марат. 18. Кашфиётчи. 19. Аданазари. 20. Номувофиқ. 22. «Барселона». 24. Чинни. 26. Арақи. 28. Осло. 29. Аниқловчи. 30. Укки. 33. Авлод. 34. Қурол. 35. Томошабин. 36. Катамаран.

БУЙИГА: 1. Меъморлик. 2. Укна. 3. Темиратки. 4. Боқимонда. 5. Кеча. 6. Авторалли. 7. Итоат. 8. Чинор. 9. Қадам. 10. Канот. 14. Ангишвона. 15. Арпажевак. 20. Нафсоғиллат. 21. Қўзиқорин. 22. Ботқоқлик. 23. Арабистон. 24. Чилла. 25. Иснод. 26. Ачиқ. 27. Ишкал. 31. Улуш. 32. Крем.

Бош муҳаррир
полковник
Ирисмуҳаммад
АБДУКАРИМОВ

АДРЕС РЕДАКЦИИ:
г. Ташкент, 700031
ул. Д. Кунаева, 21

Газета выходит по вторникам, четвергам и субботам.

Заместитель главного редактора — 56-17-98; ответственный секретарь — 56-04-60. Отделы воинской службы и воспитательной работы — 56-02-51; по связям с государственными и общественными организациями — 56-02-49; массовой работы и спорта — 56-08-72; культуры и организации досуга — 56-03-48, социологии и рекламы — 56-34-76.

Начальник издательства и типографии — 56-04-90; бухгалтерия — 56-03-82, отделы подписки — 56-03-46; заказов — 56-18-44; дежурный — 56-09-81.

Позиция редакции может не совпадать с точкой зрения авторов публикуемых материалов.

Письма, рукописи, фотографии и рисунки не рецензируются и не возвращаются.

Газета зарегистрирована в Государственном комитете Республики Узбекистан по печати. Рег. № 00050.

Отпечатано в типографии газеты «Ватанпарвар».

Заказ № 0441.